

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta •1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 18 oktabr • №42 (4233)

## ГЎЗАЛ УЗУКНИНГ ЁҚУТ КЎЗИ

**Пойтахтимиз марказидаги бош хиёбонда соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳайкали қад ростлаганига, мана, бутун йигирма йилдан ошяпти. Ушбу тарихий воқеадан сўнг маржондек тизилиб ўтган йиллар мобайнида муҳташам ҳайкал атрофи шу жойда кўкка бўй чўзган ва бир-бирига узукка қўйилган кўздек ярашиб тушган салобатли бинолар билан ягона меъморий ансамбл ҳосил қилиб, тўлишиб боргани сайин бутун ўзбек халқининг, барча ўзбекистонликларнинг қалби ҳам фахр-ифтихордан тобора юксалиб бораётгандай бўлиб туюлади менга.**

### 18 октябр — Темурийлар тарихи давлат музейи очилган кун

Ўша тарихий воқеадан уч йил ўтиб, Амир Темур номидаги хиёбонга туташ майдонда яна бир улкан қурилиш бошланди. Президентимиз Ислом Каримов 1996 йилнинг 14 март куни Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейини бунёд этиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Буюк Соҳибқирон ҳазратларининг қутлуғ тўйига атиги бир неча ойлар қолган эди. Ана шу қисқа фурсатда минтақамизда ягона бўлган бундай улкан, салобатли кошонани қуриш айтишга осон эди. Аммо Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улкан қурилишнинг пухта режаси тузилиб, бунёдкорлик ишлари жадал бошлаб юборилганига барчамиз гувоҳмиз. Бу қутлуғ ният ҳам мустақил Ўзбекистоннинг ҳур овози ва мустақил давлат сифатидаги қудратидан далолат бериб турарди. Ҳолбуки, ўша кезларда собиқ иттифоқ ўрнида пайдо бўлган кўпгина мамлакатларда бундай улуғвор биноларни қуриш у ёқда турсин, аниқ йўлни тополмаслик оқибатида ички низолар авж олган эди.



Музей лойиҳаси устида кўп баҳсу мунозара, муҳокамалар бўлгани аниқ, албатта. Айрим меъморлар музейни Ғарб услубида, тўртбурчак шаклда, Эрмитаж ёки Буюк Британия музейларига ўхшатиб қуришни таклиф этишганди. Гарчи, мазкур музейлар зўр ихлос билан қурилган бўлса-да, Европа меъморий услубидан нусха кўчиришга асло ҳожат йўқ эди. Бизнинг музейимиз шарқона, миллий меъморий анъаналаримизга уйғун бўлмоғи керак эди. Истеъдодли меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев яратган лойиҳа ана шу талабларга мос келарди. Доира шакли — ўзига хос адолат ва гўзаллик, боқийлик рамзи. Ўшанда Президентимиз кўрсатмасига кўра, муайян таҳрирлар билан Абдуқаҳҳор Турдиев лойиҳаси қабул қилинганди.

Давоми иккинчи саҳифада.

### 21 октябр — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун




Мутолаа сурури. Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат.

**Самарқанд деганда кўз ўнгимизда сирли ва улуғвор бир олам намоён бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг йиллик тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда.**

Қаранг, бундан олти аср муқаддам Амир Темур саройига ташриф буюрган Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо бу фусункор шаҳарнинг мўъжизавий тароватини, самовий синоати, ҳайбати ва ҳашамати мафтун этиб келмоқда.

## САМАРҚАНД ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

### Ватан учун яшайлик!

Қутлуғ анъанага айланиб қолган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг яқиндагина бўлиб ўтган навбатдаги анжуманига меҳмон бўлиб келган италиялик жаҳонга машҳур қўшиқчи Ал Бано Регистон майдонида тиз чўкиб, ушбу муаззам шаҳарнинг муқаддас тупроғини ўпганини, кўзларига суртганини ўша кунларда нигоҳи "ойнаи жаҳон" орқали "ер юзининг сайқали"га қадалган бутун дунё аҳли кўрди. Албатта, башарият тарихидан озми-кўпми хабардор бўлганлар бу ҳолдан ажабланмасликлари мумкин. Зеро, Машриқу Мағриб шаҳарларининг султони бўлмиш Самарқанд салкам уч минг йилдан буён жумлаи олам аҳлини ўзига борасида европаликларга бетакрор ва ҳайратангиз бир сафарнома тақдим этган, "Янги дунё" деб аталувчи қитъанинг шоҳидан тортиб гадосигача унинг — буюк соҳибқирон пойтахтининг ҳусну тароватидан, ҳайбату салобатидан баҳраманд бўлиш орзусини дилига жойлаганди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Эшқобил ШУКУР

## ОНА ТИЛ

Тоғлар, дарёларни тинглаб кўрганман,
Ер ва осмон билан сирлашганман кўп.
Мангу Шамол билан суҳбат қурганман,
Олтин боғлар билан шеърлашганман хўб.

Эртаклар тингладим капалаклардан,
Гулларнинг тилидан тера олдим бол.
Ва Она Сўзларни таниб қолганман
Қалдирғочлар билан сўрашганда ҳол.

Осмонлар, оламлар, тошлар, гиёҳлар...
Неки бор азал ва абад йўлида,
Неки бор... сўйлаган менга муқаррар
Сирларини фақат ўзбек тилида.

Ҳикматлар диёри, о, Она Тилим,
Жондай оқажаксан томирларимда.
Сен — кўнглим меҳвари, сен — руҳим йўли,
Ҳар лаҳза гуллайсан сатрларимда.

Агар сен бўлмасанг, қайдадир иқбол,
Аждодсан, авлодсан, Ватансан, элсан.
Миллатни тарихлар ичидан алҳол,
Етаклаб ўтган сен — Онажон Тилсан.

Агар сен бўлмасанг, юртни танимай,
Саёқ сўқир каби ўтиб кетардим.
Ҳаётни танимай, ўзни танимай,
Жаҳолат комида йитиб кетардим.

### Шеърий лаҳза

Оламни ҳижжалаб ўргатган сенсан,
Дилларга туйғулар олиб кирган Сен.
Бутун бир миллатнинг манглайин силаб,
Мангу Она каби кулиб турган Сен.

Осмонлар, оламлар, тошлар, гиёҳлар...
Неки бор азал ва абад йўлида,
Неки бор... сўйлаган менга муқаррар
Сирларини фақат ўзбек тилида.

## ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ РУҲИ ВА ҒУРУРИ

Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлган тарихий санани ҳар йили тил байрами сифатида юксак ғурур ва ифтихор билан нишонлашимиз замирида катта маъно бор. Она тилга муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга оналаримиз алласи, ота-боболаримиз каломи, ҳазрат Алишер Навоий асарлари билан кириб келган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 24 йиллиги муносабати билан "Тил — миллатнинг руҳи ва ғурури" деб номланган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

### Ёзувчилар уюшмасида

— Она тилимиз — кўнглимизнинг ойнаси, миллатимиз кўркидир, — деди анжуманни очаётиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Шу жиҳатдан ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши том маънода тарихий ҳодиса бўлди. Биз Истиқлолга ўз тилимиз, ўз сўзимиз билан қанот бўла олдик. Миллат бирлашди. Қанча синовларни бошидан кечирган халқимиз учун бу унутилмас кунни байрам қилиб нишонлаш замирида шукроналик ҳисси мужассамдир.

Дарҳақиқат, эл-юртимиз учун энг буюк неъмат мустақиллик бўлса, мустақилликнинг ўзи она тилимиз мақомини юксалтириб, унинг қадр-қиммати ўрнига қўйилиши учун бирдан-бир кафолатдир. Тилимиз улуғ халқ, улуғ миллатнинг тили эканлиги боис ҳам асрлар давомида ўз бойлигини сақлаб, эндиликда янада равнақ топмоқда. Тил — тафаккур ва маданият ҳамдир. Аждодларимиз орзу қилган шундай даврларга етиб келганимиз бизнинг ва кейинги авлодларнинг буюк бахтидир!

Тадбирда шу хусусда фикр юритган Бахтиёр Назаров, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Улуғбек Ҳамдам, Фарида Афрўз, Шарифа Салимова, Маҳмуд Тоир, Аҳмаджон Мелибоев, Нусратилла Жумахўжа, Нурбой Жаббор, Абдузуҳур Абдуазизов сингари адабиётшунос, тилшунос олимлар, ижодкорлар тилимизни эъзозлаш, унинг нодир ва ўзига хос жиҳатларини теран ўрганиш, турли савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини номлашда давлат тилида белгиланган меъёрларга оғишмай амал қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ёш ижодкорларнинг она-Ватан, она тилимизга бағишланган шеърлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

**Ахборот хизмати.**

## "ОЛТИН ГЕПАРД" ЯНА ДУНЁ НИГОҲИДА

**"Art Week Style.Uz – 2013" санъат ҳафталиги доирасида шу йилнинг 19-24 октябр кунлари пойтахтимизда "Олтин Гепард" учинчи халқаро Тошкент кинофоруми бўлиб ўтади.**




"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан бу йил учинчи марта ўтказилаётган "Олтин Гепард" халқаро Тошкент кинофоруми санъат ихлосмандлари диди ва савиясини юксалтириш, миллий кино санъатини ривожлантиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан дунё мутахассислари томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу сафар кинофорум "XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти" шиори остида ўтади. Анжуман доирасида мамлакатимиз ва хориж кино арбоблари, режиссёрлар, продюссерлар, аниматорлар, операторлар, монтаж усталари иштирокида ёш кино усталарининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ўттизга яқин маҳорат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган. Ёшлар ижод саройида кино оламига энди кириб келаётган йигит-қизлар учун махсус тренинглар ташкил этиш, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида кино назарияси ва амалиётига оид туркум машғулотлар, учрашувлар, қисқа метражли филмларга оид "Муқаддима" тадбири ўтказилиши кўзда тутилган.

Давоми бешинчи саҳифада.

style .UZ art week 2013 Tashkent.Uzbekistan

## ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Юртимизда саккизинчи бор ўтказилаётган "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги доирасида 20-26 октябр кунлари бўлиб ўтадиган "Theatre.UZ/2013" фестивалида 6 та хорижий спектакл, республикамиз вилоятлари театр жамоаларининг 6 та, пойтахтимиз театрларининг 8 та спектакли ҳамда "Ёшлар ижоди" дастури ва битта ҳамкорликдаги спектакл намойиш этилади. Бундан ташқари, хорижлик театр ижодкорлари томонидан бир нечта маҳорат дарслари ўтказилади.

Хорижий театрлар спектаклари орасида Вологда камер драматик театрининг "Классика.Ру", Исроил АККО театр марказининг "Антология", Литвадаги Клайпеда шаҳар "ПИЛИС" мусиқали театрининг "Ипак", Тожикистон давлат театрининг "Парининг муҳаббати", Санкт-Петербургдаги "Болтиқ уйи" театрининг "Сен, Мен..." спектакллари бор.

Ўзбекистон театр ижодкорлари мазкур фестивалда "Нуҳ кемаси" (Қашқадарё мусиқали драма театри), "Ҳалима" ("Дийдор" театр-студияси), "Виждон амри билан" (Наманган вилоят мусиқали драма театри), "Орол онаси" (Қўқон театри), "Танҳо юлдуз" (Андижон вилоят театри), "Зубайда" (Ўзбек драма театри), "Блюз услубидаги севги" (Тошкент оперетта театри), "Яна Андерсен" (Республика қўғирчоқ театри), "Шок" (Каттақўрғон театри), "Ўткан кунлар" (Миллий академик театр), "Аршин мол-олон" (Муқимий театри), "Ҳамкорлар" (Рус академик театри) каби турли мавзу ва жанрдаги спектакллар билан қатнашадилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва Исроил театр ижодкорлари ҳамкорлигидаги лойиҳа — "Happy End" спектакли намойиш этилади. Мазкур томошалар талабчан мухлисларда ҳам катта таассурот қолдиришига шубҳа йўқ.



Фестивал дастурида "Ёшлар ижоди"га алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, унда ўзбекистонлик 5 нафар ёш режиссёрнинг спектакллари намойиш этилади. Бу спектакллар намойишига Халқаро театр уюшмалари конфедерациясидан эксперт комиссияси таклиф этилган бўлиб, комиссия 2014 йилда бўлиб ўтадиган МДҲ, Болтиқбўйи мамлакатлари ва Грузия театрлари форумига номзодлар танлаб олади.

Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда Санъат ва маданият институтида беларуссиялик театршунос Елена Лиопо, германиялик Лина Мазурь, франциялик актёр ва режиссёр Грег Жермен иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтади.

Театр фестивали 24 октябрда "Туркистон" санъат саройида "Қирол шер. Қайтиш" болалар мюзикли премераси билан якунланади. Шу куни "Theatre.UZ/2013" халқаро фестивалининг тантанали ёпилиш маросими ҳам бўлиб ўтади.

# ГЎЗАЛ УЗУКНИНГ ЁҚУТ КЎЗИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

* * *

Ботаётган қуёш парқут булутлар қошига зарҳал чизиқ тортаётган маҳал бундан неча йиллар олдинги воқеаларни эсладим: ўшанда ҳам худди шу ҳолатни кузатганман, ҳаво майин, атрофда бунёдкорлик, яратувчанлик муҳити ҳукмрон қурилишда ишлаётган қудратли машиналарнинг гуриллаши, ерга қоқилаётган темир устунлар зарби, улар чиқараётган акс-садо чор-атрофга таралган. Бу Темурийлар тарихи давлат музейи пойдеворига илк ғишт қўйилаётган унутилмас дамлар эди. Ўйладимки, қуёшнинг ҳам ботгиси келмаяпти, минг-минг йиллардан кейин ҳам ҳайрат билан кузатиладиган улуғвор бино қурилишига у ҳам гувоҳ бўлиб қолишни истаётгандай эди. Мен ҳам озод юртимиз бағрида қад ростлаётган бу улуғвор бино қурилишини кўриб турганимдан бахтиёр эдим: катта паннода бўлажак музейнинг бетакрор кўриниши акс этган мовийранг лойиҳа-макет суратига ҳавас билан қарарканман, "Оқсаройу Кўксарой, Амир Темур жоме масжиди каби улуғвор кошона бўлади", дея суюнардим. Бу озод юртнинг муҳташам кошонаси! Дилда фахр ва ифтихор туйғулари тошган эди ўшанда.

Тошкентликлар қурилиш майдонига синчиклаб разм соладилар. Битта-яримта билмагани:

— Нима қуриляпти бу ерда? – дея сўраб қолади катта қизиқиш билан.

— Амир Темур музейи бўларкан!

— Худога шукр!

Бу сўз-у шукрона замирида қанчадан-қанча маъно-мазмун бор эди, буни замондошларимиз теран идрок этишади.

Эндигина беш ёшга тўлаётган озод мамлакатимизда барпо этилаётган бу муҳташам обидани биз ойнаи жаҳон учун тасвирларга олаётган эдик. Икки соатдирки, операторимиз бино пойдеворини суратга олиш билан банд. У бир лаҳза тин олмай, ҳеч кимга эътибор бермай завқ-шавқ билан ишлар, ўн икки килоли оғир камерани елкасидан олишни хаёлига ҳам келтирмасди. Эртаиндин Ватан кўксида олтин узукдек жавоҳирга айланадиган муҳташам бинонинг қурилиш жараёнлари тасмаларга муҳрланиши зарур эди. Бу лавҳалар Ўзбекистон телевидениесиниг 1996 йил 9 апрель кунидаги "Етти иқлим ҳукмдори" кўрсатувида намойиш этилгани ҳам худди кечагидек кўз ўнгимда. Ўшанда Қашқадарёга ижодий сафарга борганимизда ҳамкасбларимиздан бири: "Музей тўғрисидаги лавҳангизни кўрдим, зўр кошона бўладиганга ўхшайди", дея ички ғурур ва севинч билан қутлаганда унинг бу гапи мени ҳам бениҳоя тўлқинлантирганди.

Яшил майсалар бизга поёндоз ёзган, гулга кирган дарахтлар хушбўй ифори билан қалбимизни сийлаётган, қуёш эса, озод юрт хиёбонини томоша қилаётган ўша унутилмас лаҳзаларни эсдан чиқариб бўларканми?!

1998 йили "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Олти аср адолати" деб номланган бадиалар китобини қўлимга олиб, унда акс этган тарихий манбалару суратларга кўз югуртираман. Ва ўзимча шундай хулосага келаман: кабинаси тепасида "1996 йил" ёрлиғи бўлган улкан бульдозер, назаримда, кўлмакка тушган совуқ булутлар аксини эмас, 74 йиллик истибдод занжирларининг қолган-қутганини ҳам ўрага суриб ташлаб, юрт кўксида янги замин, янги саҳифа очаётгандек эди.

Чиндан ҳам 1996 йил мамлакатимизда туб бурилишлар йили бўлди. Ўша йил — Амир Темур йили деб эълон қилинди. ЮНЕСКО қароргоҳида соҳибқирон бобомиз таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Тушга кирмаган воқеалар! Самарқанду Шаҳрисабзда соҳибқирон ҳазратларининг улуғвор ҳайкаллари қад ростлади. Кечагина битта мих заводи бўлмаган Ўзбекистон айнан ўша йили "Тико", "Дамас", "Нексия" каби енгил машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мустақилликдан олдин файзу таровати кетиб қолган Тошкент улкан қурилишлар майдонига айланди. Президентимиз ташаббуси ва ғояси билан Темурийлар тарихи давлат музейининг кўркам биноси жуда қисқа фурсатда бунёд этилгани бизнинг катта ютуғимиз бўлди. Унинг салобати ва кўркамлиги кўпларнинг


Темурийлар тарихи давлат музейи залларида.

ҳавасини келтирди, ички шифтларидаги олтин суви юритилган безаклар келгуси авлодларда ҳам фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиши шак-шубҳасиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "бу музей буюк бобокалонимиз хотирасини абадийлаштириш, халқимизнинг буюк зотга бўлган чуқур ҳурматини билдириш билан бир қаторда, асрлар давомида топталиб келинган ўзбек халқи миллий ғурурини қайта тиклаш, унинг ўзлигини англаши учун ҳам керак" эди.

Мен бу ноёб музейни қайта-қайта зиёрат қилишни, зиёратдан сўнг унинг атрофидаги хиёбонларда сайр қилиб ўй суришни яхши кўраман. Музейнинг доирасимон шакли адолат рамзи бўлса, унинг мовий рангдалиги тинчлик ва гўзалликка ишора. Ранг-баранг нақшлар эса — ҳайрат ва тафаккур дунёси. Гоҳо ўйлаб қоласан: кўриш ва баҳо бериш осон, яратиш ва тафаккур қилиш қийин; атрофингда фикрловчи кишилар бўлмаса, заргарнинг ҳам қадри билинмайди. Музей биноси қурилаётган ўша чоғларда "Бизга шу дабдаба керакми?" деган бир тенгдошимиз бугун тан бериб: "Биз бурнимизнинг остидан нарини, қорнимиздан бошқасини билмаган эканмиз", дея афсус чекиб, яна ўзи қўшимча қилди: "Тилим бор, деб бемаъни сайрагандан кўра, йўлдаги бир чуқурчани текислаб қўйган афзал экан".

Ҳа, хиёбонни айланиб, боғ ҳавосидан баҳра олгач, одамлар боғ яратишни орзу қилиб қоладилар. Қандай яхши! Эзгу иш ҳамиша буюк ибрати билан гўзал. Амир Темур бобомиз ҳам неча ўнлаб боғлар яратганлар, гўзаллиги тенгсиз обидалар қурдирганлар. Шу эзгу ишлари билан бизга бекиёс сабоқ бериб кетганлар!

Қайси куни мактаб ўқувчилари билан бирга музейга кирдим. Бир олам қувонч, бир дунё севинч. Музейнинг мовий, яшил ва оппоқ кошинларидан, серҳашам деворларидан акс садо қайтади. Ҳар бир экспонат темурийлар даврининг буюк шукуҳидан далолат, ҳар бир ашё сизни шонли тарих билан юзма-юз қилади, кўнгилга ифтихор бағишлайди. Бу масканда Амир Темур ҳазратларининг руҳлари шод кезиб юргандек.

Давлат ноёб илмий объектлари рўйхатига киритилган мазкур музей хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи уч мингдан ортиқ ашё сақланади. Булар Амир Темур ва Темурийлар даврига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Амир Темур мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX — XX асрларга доир китоблар, этнографик буюмлардир.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўндан ортиқ хорижий мамлакатларда сақланаётган Темурийларга оид ашёларнинг моҳир усталар томонидан тайёрланган нусхалари музейнинг "Жаҳон хазиналаридаги Темурийларга оид жавоҳирлар" кўргазмасидан жой олди. Шунингдек, Санкт-Петербург Эрмитажида сақланаётган Гавҳаршодбегим ва Мироншоҳ Мирзолар узук-муҳрларининг нусхалари олиб келинди.

Темурийлар тарихи давлат музейининг "Маънавият ва маърифат", "Экскурсиялар", "Фондлар ва архив", Экспозиция ва кўргазмаларни бадиий безаш" каби бўлимлари, шунингдек, реставрация ва кимё лабораторияси мавжуд. Бугунга қадар музейга икки миллионга яқин киши ташриф буюриб, ундаги ноёб экспонатлар билан танишди.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган XIV аср ёдгорлиги — Шоҳрухияда олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида топилган 400 га яқин ашё ҳам музей фондига топширилиб, "Шоҳрухия — Амир Темур ва Темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги" деб аталган кўргазмада томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Музей қошида илмий гуруҳ ҳам қизғин фаолият олиб бормоқда. Шу гуруҳ томонидан "Амир Темур жаҳон тарихида", "Хива минг гумбаз шаҳри", "Мозийдан таралган зиё", "Бухоро — Шарқ дурдонаси", "Шаҳрисабз — минг йиллар мероси" каби китоб-албомлар нашрга тайёрланиб, қайта-қайта чоп этилмоқда.

Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимизда яхши бир анъана шаклланди. Юртимизга ташриф буюрадиган не-не улуғ меҳмонлар, мартабали давлат арбоблари мустақиллигимиз тимсолига айланган обидаларни, шу жумладан, Амир Темур ҳайкали ва Темурийлар тарихи давлат музейини ҳам келиб кўрадилар. Ўз таассуротлари, ҳайратларини изҳор этадилар. Яқиндагина Президентимиз таклифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари ҳам музейни ҳайрат ва ихлос билан томоша қилиб, ўз таассуротлари, эътирофларини билдирди. Бу тарихий лавҳаларни жаҳоннинг кўпгина телетармоқлари қайта-қайта намойиш этди. Бу ҳам мамлакатимизга, унинг буюк келажагига бўлган ишонч ва ҳурматнинг яна бир рамзидир.

Чиндан ҳам, "Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзи" бўлди. Кўксингизни тўлдириб, ички бир ғурур билан нафас олар экансиз, "менинг эркесевар юртим, бунёдкор элим, мангу омон бўл! Илоҳим кўз тегмасин сенга", дейсиз.

**Тўлқин ҲАЙИТ**

# САМАРҚАНД ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тақдир тақозосию замона зайли ила "ҳинд сори юзланган" ва Осиёнинг улкан бир қисмини тасарруфида сақлаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур "рубъи маскунда онингдек шаҳар йўқ"лигини такрор-такрор таъкидлаб, умр бўйи унга интилиб ўтди.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, Самарқанд гуллаб-яшнаган, яъни: Мирзо Улуғбек расадхона қуриб, "Зижи Кўрагоний"ни тузган, мадрасаи олияларида Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид сингари алломалар илми нужум, ҳандаса, алжабрдан дарс берган, Абу Мансур Мотуридий, Фақиҳ Абуллайс Каломи шарифнинг энг мукаммал тафсирларини яратган, навқирон Алишер шу ерда таҳсил кўриб, сўз мулкининг жаҳонгирлиги сари илк қадамларини қўйган, жаҳон меъморчилигининг бебаҳо дурдоналари сифатида тан олинган Регистон, Шоҳизинда обидалари бунёд қилинган кезларда дунёнинг устунлигини даъво қилаётган бугунги "осмонўпар" метрополияю мегаполисларнинг аксариятидан асар ҳам йўқ эди. Шу боисдан ҳам орадан асрлар ўтгач академик шоир Ғафур Ғулом:

**Жаҳонга жамоли жаҳоноронн бергувчи**
**фарзандлар бешиги бу ер,**
**Шарққа маърифатнинг аниқ юзини**
**бениқоб кўрсатган эшиги бу ер, —**

дея лутф этганида мутлақо ҳақ эди.

Аммо... "Шарқ Уйғониш даври", деб аталувчи Темурийлар салтанати ҳукмронлигидан кейинги инқироз, тарқоқлик, ноаҳиллик ва бош-бошдоқлик туфайли Самарқанд бошидан мудҳиш кулфатлар кечди. Ёғийлар босқинлари чоғида муаззам миноралар замбараклардан ўққа тутилди, мадрасалар отлар туёғи остида топталди, бетакрор иморату иншоотлар вайронага айлантирилди. Ер юзида тенги йўқ расадхона хоки туроб қилинди, мустамлакачилар бебаҳо осори-атиқалару "Тиллакори"нинг заррин кошинларидан тортиб, мақбараю марқадларнинг тошигача ташиб кетдилар. Маккор ғанимлар Самарқандни ер юзидан супуриб ташламоқчи, шону шавкатини тарих саҳифаларидан ўчириб юбормоқчи бўлдилар. Уни хўрлашга, кўксига манфур мустамлакачи салтанатнинг ялов ва туғроларини мангуга қадамоққа уриндилар. Хайриятки, истиқлол туфайли Самарқанд бамисоли такроран туғилди.

ЮНЕСКО ташаббуси билан 1994 йилда буюк астроном Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Ўша йилнинг 18 октябрида Президентимиз Самарқанд шаҳрини I даражали Амир Темур ордени билан мукофотлади. Шу муносабат билан 18 октябрнинг бутун мамлакатимизда "Самарқанд шаҳри куни" деб белгиланиши унинг солномасида янги бобни, тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Юртбошимизнинг бевосита ғамхўрлиги, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши туфайли шаҳарда катта қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. "Маънавий юксалиш йўлида" асарида Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: "Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг хоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатталаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди".

Дарҳақиқат, бугунги кунда Самарқанднинг олий ўқув юртлари, Самарқанд давлат университети, Медицина, Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ва сервис, Архитектура-қурилиш, Чет тиллар институтларидан машҳур алломаларнинг ворислари етишиб чиқмоқда. Айни фаолият юритаётган илмий



тадқиқот институтлари, ўнлаб коллежлар ва академик лицейлар, мусиқа ва санъат мактаблари ёшларимиз учун бағрини кенг очмоқда. Спорт саройлари, ёпиқ сузиш ҳавзалари, стадионлар, халқаро мусобақалар ўтказишга мўлжалланган академик эшкак эшиш канали янгидан ишга туширилиши эса юртимиздан кўплаб чемпионлар етишиб чиқиши учун хизмат қилмоқда.

Шаҳар ҳудуди шиддат билан кенгайиб, замонавий саноат корхоналари, истироҳат масканлари, кўркам тураржойлар, равон кўчалар барпо этилди. Жаҳонга машҳур "Isuzu", "MAN" маркали автомобиллар, сўнгги русумдаги совутгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Кинап" ва лифт заводи каби ўнлаб корхоналар ҳам Самарқандда саноатнинг гуллаб-яшнаганидан далолат эмасми? Халқаро аэропорт, муҳташам вокзал бинолари ишга тушди. Мамлакатимиз пойтахти Тошкентга Марказий Осиёда тенги йўқ "Афросиёб" тезюрар поезди қатнай бошлади.

Айни кунларда эса жаҳондаги энг илғор, энг пешқадам тажрибалардан бирига қўл урилди — қуёш нурини электр энергиясига айлантириб берувчи қудратли гелиостанция барпо этишга киришилди. Шаҳарнинг зумрад камари бўлмиш "Темур боғлари" тикланди, янгидан қулф уриб, куртак очиб, гуллади, мева берди. "Боғишамол"нинг саррин шаббодалари яна бaралла эса бошлади. Толеи кулган шаҳарнинг бахтиёр насллари "Боғи беҳишт", "Боғи дилкушо", "Боғи жаҳоноро", "Боғи Истиқлол" ва бошқа бири биридан сўлим, бири биридан хушҳаво боғлар бағрида яйраб, эмин-эркин нафас олиб, ҳам шаклан ҳам мазмунан тамоман янгича илм даргоҳларида таҳсил олишмоқда. Янгидан бунёд этилган, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар чиқарувчи завод-фабрикаларда ишлаб, кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг жаҳоншумул илмий, меъморий, адабий ҳамда бошқа соҳалардаги тенгсиз салоҳиятини тиклашга киришдилар. Ва шунга эришдилар!

Бугун Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда яна дунёнинг энг гўзал, энг қадимий ва айни пайтда энг навқирон, энг замонавий, энг мутараққий, улкан салоҳиятга эга бўлган шаҳарларидан бири бутун бўй-басти, салобати билан намоён бўлиб турибди. Уни тўла асос билан мамлакатимизнинг мустаҳкам иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий, илмий-маърифий таянчларидан бири, халқимизнинг фахр-ифтихори ва ғурури, деб айтишимиз мумкин.

"Барча йўллар Римга элтади", дейишади. Шубҳасизки, бунда "боқий шаҳар", деб ном олган ўша беназир масканнинг халқаро туризм ва сайёҳлик марказига айланиб қолганлиги назарда тутилган. Регистон майдони яқинида кўҳна меъморчилик ансамблига ғоят уйғун ва ярашиқли, сўлим ва хушҳаво "Йўлбарслар хиёбони" яратилгани бугун ўзининг бетакрорлиги билан сайёҳларни-да лол қолдирмоқда. Шу ердан кун чиқар томонга, Амир Темур жомеъ масжиди, машҳур Сиёб бозори, Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуаси, очиқ осмон остидаги Афросиёб музейи ҳамда Мирзо Улуғбек расадхонаси томон элтувчи кенг, равон сайргоҳни оқшомлари сайр қилсангиз бетакрор мўъжизаю гўзаллик гувоҳи бўласиз. Беихтиёр хаёлингиздан шоирнинг ушбу мисралари ўтади:

**Регистон — тарихнинг бедор юраги**
**Боболар қалб тафтин сақлаган қаср.**
**Ҳар ғиштин фахр-ла келар силагим,**
**Маржондай тизилиб келар беш аср...**

Мана, Руҳобод ёдгорлиги ва Амир Темур мақбараси оралиғида улкан фаввbooрали яна бир истироҳат гўшаси, унинг ёнгинасида Соҳибқирон бобомиз номи билан аталувчи майдон, Мустақиллик, Мирзо Улуғбек, Даҳбед, Тошкент, Беруний, Навоий кўчалари. Айниқса, ёз пайтлари Ургут тоғлари томондан эсаётган шабада бутун вужудингизни яйратади. Амир Темур жомеъ масжидининг улуғвор гумбазию миноралар қаршисида бир лаҳза ҳайратингизни-да яширолмайсиз. Қайтадан бунёд этилган Бўстонсарой кўчаси 37 метрга кенгайган. Кўчага ўзига хос замонавий чироқлар ўрнатилган. Йилнинг тўрт фаслида ҳам кўм-кўк яшнаб турувчи арчалар, қарағайлар экилган. Ўзига хос замонавий ва миллий меъморий услубда қурилган иморатлар кўчанинг кўркига кўрк қўшиб турибди. "Миллий банк" ва "Алоқабанк"нинг янги бинолари бу манзилга бетакрор чирой бағишлаган.

..."Шарқ тароналари" фестивали якунланаётган кунларда Регистон майдонидаги муҳташам саҳнада жаҳоннинг олтмишга яқин мамлакатидан келган санъаткорлар турли тилларда битта қўшиқни куйладилар. Бу қўшиқ ўтмиши шарафли, бугуни саодатли боқий шаҳар — Самарқанд ҳақидаги энг гўзал қўшиқ эди.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ**

# ҲИКМАТНАВИС АЛЛОМА

Ажлодлар мероси

Ҳазрат Низомиддин Қосим Шайх Мовароуннаҳр сарҳадида етакчи раҳнамо сифатида кенг фаолият кўрсатган аллома. Президентимиз Ислом Каримов 1999 йилнинг декабрида Навоий вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда: "Биз ҳамиша улуғ аждодларимиз билан ифтихор қиламиз. Уларнинг хотираси ҳозир ҳам она заминимизни шарафга буркаб турибди. Ана шундай зотлардан бири табаррук хоки Зарафшон тупроғида ётган аллома Низомиддин Қосим Шайх Ҳазратларидир. Ўн олтинчи асрда яшаб ўтган, бутун умрини маърифат тарқатишга, уруш ва низоларнинг олдини олишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришга бағишлаган улуғ, айни вақтда камтарин бу зот ҳаёт чоғидаёқ халқнинг юксак иззат-икромига сазовор бўлган. Ана шундай табаррук инсонлар, азиз-авлиёларнинг ҳаёти биз учун ҳамиша ибрат бўлмоғи керак", дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятда руҳий таянчга эҳтиёж бўлади. У мафкура, ғоя ва маънавият шаклида ижтимоий-сиёсий ҳаёт мазмунида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳар бир даврнинг ўзига хослиги бор. Ўзбек давлатчилиги тарихига назар солинса, ҳукмдорлар пирлари билан, пирлар эса ҳукмдорлари билан машҳурлиги кўзга ташланади. Чунончи, темурийлар даврида ҳам шу анъана давом этган. Амир Темурдан кейинги ҳукмдорлар ҳам бу йўлдан оғишмаган. Жумладан, шайбонийлар Худойдод Вали ва Қосим Шайх ҳазратларини раҳнамолари билганлар. Пиру муридлик салтанатнинг сўнггигача бардавом бўлган. Бундай ёндашув мамлакат ҳаётида тинчлик ва тотувликни амалга оширишда кенг кўлам касб этган.

Ҳазрат Қосим Шайх яссавия тариқатининг етакчи пиру муршидлари анъаналарига мувофиқ Аҳмад Яссавийнинг ҳикматнавислик йўлини ҳам давом эттирган. Тарихий ёзма манбаларда бу хусусда далолатлар мавжуд.

Тадқиқотимиз давомида бунинг илк далилига Олим Шайх Азизоннинг «Ламоҳат мин нафатоул-қудс" асари қўлёзмасида дуч келган эдик: "Абдуллахон Абдулхайр Султонни ўлдириб, унинг яқинлари ва Самарқанд уламолари Ҳазрати Азизон ҳузурларига кўчиб келиб, паноҳ топиб турганда Абдуллахон Ҳазрати Азизон ҳузурларига келади. Аввало, унга шукуҳ билан қарабдилар, сўнг бу мазмундаги муборак сўзлар (Қосим Шайхнинг) тилларида жорий бўлибди:

**Чўпнинг сувга чўкмаслигига ҳикмат недур,**
**Ўзи тарбиялаган нарсани ютишдан уялур".**

("Ламаҳот"да Қосим Шайх иштирок этган воқеалар жараёнида яна бир неча байтлар келтирилади, аммо улар бошқа муаллифларга тааллуқли бўлиши мумкин, деган эҳтимолда эътиборингизга етказишни маъқул билмадик.)

Юқоридаги байт ўзида теран маънони акс эттиргани билан диққатга сазовор ва Қосим Шайхнинг назмдаги истеъдодидан дарак беради. Бинобарин, адабиётшунос Нодирхон Ҳасаннинг "Яссавийшуносликка доир манбалар ва "Девони ҳикмат" китоби тасаввуримизни янада равшанлаштиради. Унда "Қосим Шайх ҳам бошқа яссавия вакиллари қатори Яссавий ҳикматнавислик анъанасига мувофиқ сўфиёна шеърлар ёзган. Унинг ижод намуналари ҳикмат тўпламларидан ўрин олган", дейилиб, қуйидаги ҳикмат келтирилади:

**Ҳақ савдосин мунда қилган ошиқ қуллар**
**Сафар қилиб борса, онда роҳат кўрар.**
**Савдосиз ғофил қуллар қонлар ютар**
**Аё дўстлар, Ҳақ савдосин қила кўрунг.**
**Бул ҳаваслар даъво қилур Ҳақ савдосин.**
**Савдо қилмас қилдим теюр ҳавосидин.**
**Қутулмас ул нафс илгининг балосидин,**
**Аё дўстлар, Ҳақ савдосин қила кўринг.**
**Мискин Қосим, Ҳақ савдосин қилмадинг сан,**
**Осий бўлиб бу дунёда юрудинг сан.**
**«Қул йа ибади!» оятига сиғингил сан,**
**Аё дўстлар, Ҳақ савдосин қила кўринг.**

Ушбу ҳикмат ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида 178.3-"а" рақамида сақланаётган Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» тўплами 295 «б» бетидан олинган. Шу соҳа тадқиқотчилари эътирофича, Яссавий издошларининг, жумладан, Қосим Шайх қаламига мансуб ҳикматлар "Девони ҳикмат"нинг ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Ўзбекистон Миллий университети кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг ҳошия ва иловаларида ҳам учрайди.

Қосим Шайх ҳикматлари мавжуд манбалар, уларнинг адади ёки бошқа жиҳатлари хусусида илмий изланишлар ҳозиргача амалга оширилмаган. Аммо, юқоридаги икки намуна бу борада жиддий тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжидан далолат беради.

**Суюндик МУСТАФОЕВ**

# ЛАТИФ ТУЙҒУЛАР МАНЗАРАСИ

**Адабиёт ҳамиша ўтмиш ва келажакни қай маънодадир ҳисобга олган ҳолда бугунни акс эттирувчи кўзгу бўлган. Ҳар бир шахснинг ўйлаш ва яшаш тарзининг қолганларникидан фарқ қиладиган даражада алоҳидалигини тасвирлаш замонавий ўзбек адабиётининг муҳим хусусиятларидан. Китобхонликнинг оммавий бўлмай қолгани бугунги ижодкордан сўз тагига сўз бекитиб, тагмаънoли қилиб ёзишни, ўқувчидан эса изланиш, тасвирдаги бирор ифодани бефарқ ўтказиб юбормаслик, асарни ҳеч нарсани кўздан қочирмай, синчиклаб ўқишни талаб этмоқда.**

Бир маромдаги сокин шеърлари билан танилган шоир Ўткир Раҳматнинг "Ўтли руҳ" тўплами мазкур талабни қондира билгани билан эътиборни тортади. Шоир ҳаммага маълум ҳодисаларнинг ҳамманинг кўзидан ниҳон жиҳатларини, айни вақтда, кўпчилик мутлақо сезмайдиган ҳолатларни интуитив туяди ва уларни бадиий манзарага айлантиради:

**Оқиб кетди қанча сувлар ҳам,**
**Кунлар ортга қайтмади сира.**
**Энди бундай ўйлаб ўтирсам,**
**Орамизда йўқдир хотира.**

Шу пайтгача аҳли адабиёт ва унинг ихлосмандлари айрилиқдан сўнг ҳамиша севги ва севиклидан хотира, албатта, қолишига амин эди. Энди қаралсаки, айнан умумий хотира йўқлиги, демак, бошдан кечирилган яхлит туйғуларнинг ҳеч қачон бўлмаганлиги икки севишган орасидаги қисқармас масофани бўрттириб кўрсатган.

Юқоридаги тўртликнинг мантиқий давоми бўлган "Сени қўмсаб бора олмадим, Кўнглимни бир ёра олмадим" сатрларидаги фикр сўнгги қаторда кутилмаган қарашга айланиб, китобхонда кучли таассурот қолдиради: наҳотки, ошиқни эшитгувчи кимса — ҳамдам йўқ. Қиз қошига боришга йўл қўймаётган ғурурми, бефойдалигини англашми ёки имконсизлик? Ошиқнинг соғинчдан тўкилиб кетаётгани, овози хастаҳол чиқаётгани иккинчи сатрдаги "ёра" сўзи воситасида кўрсатилган. Суюклисини суйишга одатланган, шу туйғу билан ўзини тўлақонли одам ҳис қилиб юрган ошиқ аҳволининг бу ҳаққоний тасвири ўқувчи қалбини




жунбишга келтиради. Шеърнинг: "Ҳаётимнинг бағрида фарёд..." сатрида эса ишқсизлик ва айриликдан изтироб чекаётган ошиқ ҳолати моддийлаштирилади.

Ўткир Раҳматнинг кўнглини безовта қилиб, ўтли сатрлар битилишига туртки берган туйғулар аслида барчага хос. Ҳамма ҳам суйган, суйгани учун куйган, қайғурган, қувонган. Бу ерда фарқ туйғуларнинг моҳиятида эмас, уларнинг намоён бўлиш тарзи, сифатидадир. Шоир ҳар бир кўнгил эмранишини жуда чуқур ўтказади, ўта нозик ҳис қилади, ёниб ифодалайди. Кўрган ё кечирганларининг бирортаси уни эътиборсиз қолдирмайди, энг майда, ҳатто аҳамиятсиз деталлар билан ишлаб, азим бадиий конструкция бино қилади:

**Сўзларингни ёд билар эдим,**
**Сандувочлар қурганди ошён.**

Ўткир Раҳмат туйғулардан жуда гўзал руҳий ҳолатлар яратади, у чизган поэтик манзаралар кишини тўлқинлантириб юборади. Ўқувчи кетма-кет олаётган таассуротлардан юраги завққа тўлади, кўнгли ёришиб кетади, ўзига таниш ҳолатларни, бу орқали ўзини қайта идрок этади ва кашф қилганларидан шоир билан бирга ҳайратга тушади ҳамда ўз ҳайратидан қувончга тўлади: "Ҳайратимнинг юзидан ўпиб, Юрагимга яқинроқ тутдим".

Адабиётда моҳияти англаб етилмаган гўзаллик хунуклик билан тенг мавқеда бўлади, деган қараш мавжуд. Чиндан ҳам кўнгилни безовта қилаётган туйғу аслини, илдизини, юзага келиш омили ва намоён бўлиш шакли нега айнан мана шу тарзда эканлигини тушуниб етиш инсон ички оламини бойитиб, унинг ижодий имкониятларини оширади. Ўзининг қандай сифатли туйғуларга қодирлиги, уларни нечоғли англаш ва англатиш салоҳиятига эгалигини билиш адабиётни синчков муҳиб билан тақдирлайди. Ўткир Раҳмат ижодкор сифатида ҳайратнинг аҳамияти нечоғли улкан эканини жуда яхши билади. Айни туйғу туфайли юракда безовталаниш, ҳиссиётлар мавжи юзага келишини ва бундан гўзал шеър яралишини теран англайди. Шу боис у ҳайратни қучоқ очиб кутиб олади, қадрдони келгандаги каби юзларидан ўпиб кўришади. Лекин унга ҳайрат борлигининг ўзи кифоя эмас, нуктадон шоир ҳайрат моҳиятига етмоқчи бўлади. Барча нарсаларнинг аслини англашдаги энг ишончли восита эса — юрак. Дунёга юрак билан назар солинганидагина жилдираб оқаётган сувнинг аслида "Ирмоқларнинг титрамас лаби, Ниманидир тинмайин куйлар" тарзида нeларнидир сўйлаши, виқорли тоғларнинг эса "булутни қўлтиққа тиққан"ча туриши кўзга ташланади.

Аммо юрак билан яшашнинг у қадар ёқимли бўлмаган иккинчи жиҳати ҳам мавжуд. Бундай киши бир умр осон яраланади ва кўпроқ изтироб чекиб яшайди. Жуда кўпчилик кўрмай-сезмай юрган ҳодиса унга кучли таъсир қилади ва бефарқ қолдирмайди. Умр йўлидаги норасолик "Йўлдош тополмадим асло бағрингга" тарзида қалбда аксланиб, эзгуликка етиш мушкуллиги аёнлашиб бораверади. Инсонларга ишонч, аҳвол яхшиланишига умид сўнганида: "Нурар бўлди чилпарчин Демак, сен унутгансан" шаклидаги тўхтамга келади бундай кўнгил эгаси. Бундай ҳолатга тушган шахсга жуда қийин, эзгуликка илинж ҳам қолмагандай туюлиши қуйидагича акс эттирилади:

**Сабр тўлиб**
**Тўкилди буткул,**
**Тоқатлар тоқ,**
**Бардош йиқилган**
**Ишонч сўнган,**
**Умид эса кул.**
**Қаҳратон қиш**
**Дунга тиқилган.**

Нохуш кайфият одамга ҳаётни ёмон кўрсатиб қўйиши мумкин. Ўзи интилиб яшаган аъмолларни қўлдан берган, нимагаки умид қилиб қўл чўзган бўлса, барчаси барбод бўлган вазиятда лирик қаҳрамоннинг баҳор таровати, ёз тафти, куз иликлиги жозибасини сезиши имконсиз. Унга ўз ҳолатига мос қаҳратон қишнинг аччиқ шамоли, ҳуштак чалаётган бўрон ва аёвсиз изғирин

### Китобингизни ўқидим

яқин. Уларни, ҳатто бир қадар ёқимли ҳам дейиш мумкин. Негаки, кўнгилни бозиллатиб куйдираётган айрилиқ алами бу қақшатқич совуқда унча сезилмайди.

Руҳи бесаранжом, юраги сиқилаётган киши учун вақт тўхтаб қолгандай, кун ё соат у ёқда турсин, сониялар ҳам ўтмаётгандай туюлади. Лирик қаҳрамонга ҳам қиш ҳеч ўтиб кетмаётгандай, изғирин мангу увиллаётгандай, совуқ туфайли ер музлаб, ўқи атрофида айланмай қолгандай — "Қаҳратон қиш Дунга тиқилган" бир пайтда зулмат қаъридан ёруғлик милт этгандай бўлди: уни изтиробга солган маъшуқадан ошиққа умид уйғотувчи хабар келди. Кўнгилни қоплаб ётган қора булут тарқади, суякларни қақшатган изғирин ўрнини майин сабо эгаллади, қотиб қолган қон эриб томирларда югура бошлади, қорлар эриб, зилол ирмоққа айланди ва совқотмасин учун ишқ ўраб қўйилган кўрпани намлантирди. Севинч ёшларидан ҳўл бўлган кўрпанинг қуриши, яъни изтироблар кўнгилни тарк этиши учун ҳароратли суюклининг ўзи бўй кўрсатиши керак:

**Кўнглимни осмонга кўтардинг эркам,**
**Ҳар бир томиримда бижирлади жон.**
**Қўйнимда ёпинган ҳўл бўлди кўрпам,**
**Севгилим, меҳмон бўл дилда бу оқшом.**

Ўткир Раҳмат – кўнгилдаги латиф туйғуларга гўзал моддий либос кийдиришга моҳир шоир. Битиклари билан танишиш асносида ўқувчи кўнглида пайдо бўлган савол шеър поёнига қадар ҳаётий ва ишонарли ечим топади. Кўнгилда шунча ёқимли ўзгаришлар ясаган, жисмга ҳаёт таъминини қайта тотиш имконини берган суюкли нега энди фақат дилга меҳмон бўлиши керак? Ошиқнинг усиз яшай олмаслиги аниқ, туйғулар ҳақиқийлиги маълум бўлди-ку, наҳот, кўнгил амин бўлган ҳолатга маъшуқани ишонтириш мумкин эмас?

**Ҳатто, қушлар бўлмай безовта,**
**Ўз кунини кўрганди сайраб.**
**Офтобини кун ҳам узата,**
**Бисотини берганди бойлаб.**

Ҳижрондан осмон узилиб ерга тушмади, дунё остин-устун бўлмади, ҳатто айриликқа чидай олмайди деб хавотирлангани хотира ҳам тақдирига бўйсунгандай: "Кўнгил деган бир дарёда Ҳамон сузиб юриб"ди.

Ҳамма қатори инсон бўлган шоир атрофидагилардан фарқли тафаккур тарзига эга. Барчамиз яшаб, кўриб юрган одатдаги оламни у ўзгача идрок этади. Шу сабаб: "Бир томчи ёшдайин безовта тақдир", деб ёзади у. Бу мисрада инсон тақдири киприкда илиниб турган омонат кўз ёшга жуда чиройли ўхшатилган. Кўздаги ёш томчиси бир киприк қоқилса, ҳатто қоқилмаса ҳам узилиб, йўқликка кетгани каби инсон умрини ҳам сал қалтис ҳаракат издан чиқариб юбориши мумкин. Айриликқа кўниккан, бундан ёрғулик топа олган кўнгилнинг ўзини ожиз, омонат сезаётгани, унинг бунчалар ночорлиги сабаби нимада? Кўнгилдан ҳеч қачон ўчмаган, аммо шаръий ва расмий қонунларга кўра, эндиликда бўйлаш мумкин ҳам бўлмаган қўрғондан жой олган суюкли билан тасодифий учрашув дастлаб йигит кўнглини аллалаши:

**Жилмайишинг**
**Мафтункор жуда**
**Қалбимда тонг отаётгандай.**
**Лек тикилсам, аста, осуда**
**Юрагимга ботаётгандай —**

тарзида акс эттирилган. Аммо ошиқнинг қайноқ туйғулари босилиб, ақли тиниқлашгач, вазият кескин ўзгаради, бу учрашув ошиқ юрагини қийноққа солади. Фақат хотиранинг кучи туфайли ошиқ кўнгил таскин топганини шоир: "Юрагимдан жой олдинг, гулим, Айвонлари чечакка дўнди" тарзида ифодалайди. Хотира билан учрашув йигитни завқли кунларга қайтариши

**Хотирамда айланиб,**
**Ёдга тушар кечалар.**
**Қўл-оёғи бойланиб,**
**Ётиб олган кўчалар —**

сатрларида акс этади. Ўткир Раҳмат яратган бу поэтик манзара кишини ҳайратга солиши билан бирга завқини келтиради, тасаввурини бойитади. Ишқдан девона бўлиб юрган дамларда ошиқ маъшуқа яшаган кўчаларни кечалари билан кезиб чиққан. Нега айнан кечалари? Ўзбек қизи учун, кўнглида қандай туйғулари борлигидан қатъи назар, бегона билан очиқчасига учрашиш, муносабат ўрнатиш иснод саналади. Шу боис йигит у билан гаплашиш умидида яшаган кўчасинигина тавоф эта олади. Аммо кўчанинг у бошидан бу бошига тинмай бориб келавериш ҳам шубҳали. Бу ўша кўчада яшовчи барча оиладаги қизлар шаънига ҳам дахл қилиши мумкин. Шу боис йигит "кўчалар"ни кечалари — ҳамма уйқуга кетган, бирор қизга доғ тушмайдиган дамда кезади.

Ўткир Раҳмат ижодида сўзни ўйлаб ва ўйнатиб қўллаш, унга кутилган маънони кутилмаган шаклда жойлаш, кутилмаган бадиий мазмунни эса одатий тарзда ифодалай олиш салоҳияти акс этган. Шоир шеърлари ҳар биримизда мавжуд ҳиссий қувватни кучлантиради, поэтик гўзалликни яширинган жойида излаб топиш, баъзан эса йўқ жойдан яратиб олишни ўргатади. Уларни ўқирканмиз, арикдаги жилдироқ сув, автобуснинг дим салонида бир зум эсган эпкин, кўчада учраган болакайнинг беғубор табассумидан қувватланиш мумкин ва бунда ҳаётимиз оддий тирикликдан анча баланд рутбага юксалишини туямиз. Асл шеърий битикнинг вазифаси ҳам мана шулардан иборат.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,**
**педагогика фанлари доктори,**
**Муҳайё ИСМОИЛОВА,**
**филология фанлари номзоди**

## "ЁШЛИК"

*2013 йил, 9-сон*

### Журналларни варақлаганда

Албатта, ижодкорнинг дил изҳори — қайси жанрда бўлмасин — ўқувчилар қалбига тез йўл топади, уларда ўй-фикрлар уйғотади, асарларини суйиб мутолаа қилган шоирини, ёзувчисини янада яқинроқдан танитади. Шу маънода таниқли шоир ва ёзувчиларимиздан Усмон Азим ва Улуғбек Ҳамдамнинг суҳбат ҳамда мақолалари ҳар жиҳатдан журналнинг ушбу сонидаги манзур асарлар бўлган, десак янглишмаймиз. Ҳар икки профессионал ижодкорнинг адабиёт, ижод, ижодкорнинг эл орасидаги ўрни, ёшлик палласи, илк машқлар ва ҳатто бошдан кечирган ғаройиб воқеалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, кузатиш ва иқрорлари баёни самимийлиги, ростгўйлиги билан қимматлидир.




Журналнинг насрга ажратилган саҳифаларида Хуршида Абдуллаева, Абдунаби Ҳамро, Муҳаммад Шодий ва Дилором Дилхоҳнинг ҳикояларини, Наргиза Асаднинг бадиаларини, машҳур рус адиби К.Паустовскийнинг бир жуфт ҳикоясини(О.Суюндиқова таржимаси), атоқли авар шоири Р.Ҳамзатовнинг "Ўзим ҳақимда уч оғиз сўз" бадиасини(А.Мўмин таржимаси) ўқийсиз.

Назм ихлосмандлари эътиборига эса шоирлар Абдусаид Кўчимов, Улуғбек Ҳамдам, Карим Баҳриев ва Манзар Абдулхайрнинг янги туркум шеърлари ҳамда бошловчи қаламкашларнинг шеърий машқлари тақдим этилган.

Адабиётшунос олимлар Қ.Йўлдошнинг "Буюк қушнинг парвози", Й.Солижоновнинг "Соғинчнинг сирли сандиғи", М.Шералиеванинг "Қуроқ" ҳақида олақуроқ қайдлар" мақолалари, З.Мирзаева, Н.Боймуратованинг тадқиқотларида бугунги адабий жараёнда кўзга кўринган, назарга тушган асарлар, таниқли ижодкорлар китоблари, навқирон шоир ва ёзувчиларимизнинг ютуқлари ҳақида фикр юритилади.

# ҲАЁТ ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

## ёхуд "интеллектуал роман" хусусида

**Яқинда интернет сайтида (қаранг: http://www.themillions.com/) жаҳон адабиёти тарихида ўқилиши қийин, мураккаб асарларнинг биринчи ўнталик рўйхатига кўзим тушди. Рўйхатга берилган изоҳда интеллектуал роман дейилганда, аввало, мутолаа пайти ақл, идрок, тасаввур ва тафаккурни фаоллаштирувчи теран фалсафий мазмун, маълумотлар ҳамда мураккаб сюжетларга бой асарни назарда тутмоқ лозимлиги таъкидланган.**

Дарвоқе, ўнталикнинг биринчи учлигини америкалик адиба, XX аср модернизм адабиёти вакили Жуна Барнс (1892 — 1982) қаламига мансуб нозик ҳис-туйғуларига йўғрилган муҳаббатни куйловчи "Тундаги ўрмон"(1936) романи, машҳур инглиз ёзувчиси Жонатан Свифт(1667 — 1745)нинг теология масалаларига соғлом ақл ва соғлом фикр нуқтаи назаридан ёндашишни уқтирувчи "Бочка эртаги" рамзий ҳикояси ва немис файласуфи Георг Гегелнинг субъект ва объект ўртасидаги қарама-қаршиликни онг бартараф этиши мумкинлиги мантиқан исботлаб берилган "Руҳ феноменологияси" (1807) фалсафий трактати киритилган. Бу уч асар жаҳон адабиётида ўқилиши, тушунилиши ниҳоятда қийин китоблар экани эътироф этилган.

Тўртинчи ўринда кўрсатилган британиялик адиба Виржиния Вулф(1882—1941)нинг "Маёққа"(1927 )номли романи экспериментал романлар қаторида саналмаса-да, унда М.Пруст, Ж.Жойс ва Ф.Кафка руҳидаги модернизм адабиёти анъаналари давом эттирилган ва асардаги воқеалар "онг оқими" услубида ёритилган. Эпистоляр роман асосчиси Сэмюэль Ричардсон(1689 — 1761)нинг ота-оналар ва фарзандларнинг никоҳга нисбатан нотўғри муносабати оқибатида оила бошига мусибат ва бахтсизлик ёғилиши талқин этилган насиҳатомуз руҳдаги "Кларисса" (1748) романи эса рўйхатда бешинчи ўринни банд этган. Машҳур ирланд адиби Жеймс Жойс(1882 — 1941)нинг экспериментал руҳдаги, сўз ўйини, мифология ва комедияга йўғрилган "Финниган маъракалари" (1939) романи (рўйхатда олтинчи) ҳақиқатан ҳам тушунилиши ўта қийин асардир. Қўлига ушбу китобни олган ўқувчи асарда гап нима ҳақида кетаётганини англашга ҳамиша ҳам муяссар бўлавермайди. Рус жойсшуноси С.Хоружийнинг таъкидлашича: "Баъзи сўз ва ишоралар маъносини фақат ақлни ишга солиб тушунмоқ мумкин; нафақат тилларни билган, балки ўткир зеҳн-заковат ва топқир ақл-идрокка эга бўлган китобхонгина бу асардаги ўттиз фоиздан ортиқроқ нарсани англаши, махсус адабиётларга кўмилиб, кетган вақтига афсусланмаган ўқувчининг романни тушуниши етмиш фоиздан ошиши мумкиндир. Лекин асарни тўлиқ тушунишга умид боғламаса ҳам бўлаверади".

Еттинчи ўриндаги немис файласуфи Мартин Хайдеггер(1889 — 1976)нинг "Борлиқ ва замон" (1927) номли фалсафий асарида борлиқ, инсон ҳаёти, унинг турмуш тарзи ўзига хос талқин қилинади. Муаллиф: "Борлиқ маъноси қайси объектив мавжудот орқали англаниши мумкин? Хўш, унда қайси мавжудот борлиқни кашф этиш учун таянч нуқта бўлиши лозим?" деган мураккаб саволларни қўяди. Хайдеггер фикрича, ушбу мавжудот — инсон, сабаби инсонгина "ўз борлиғи орқали борлиқнинг мавжудлигини тушуна олади". Китобда ўлим ва ҳаёт, бақо ва фано, ўтмиш ва ҳозирги давр каби мавзулар тақиқ этилади. Айтиш лозимки, ушбу асар XX аср фалсафасига, экзистенциализм, герменевтика каби оқим ва йўналишларга сезиларли таъсир кўрсатди.

Америкалик адиба Гертруда Стайн(1874—1946) қаламига мансуб "Америкаликларнинг шаклланиши" номли маҳобатли роман (рўйхатда саккизинчи) бир неча авлод тарихи ёритилган оилавий солнома типидаги психологик асар. Муаллифнинг кубизм (XX асрнинг биринчи чорагида юзага келган ва реализмга зид ўлароқ борлиқни геометрик шаклларда тасвирлашга интилган йўналиш — **М.Х.**) оқимига яқин услубдаги асарлари, гарчи уларда модернизм адабиёти руҳи имкон қадар тўлиқ ифодаланган бўлса-да, кенг китобхонлар оммаси эътирофини қозона олмади. Атай мураккаблаштирган, эклектизм руҳидаги услубида бир-бирига қовушмайдиган усуллар қориштирилиб юборгани боис оддий ўқувчи бу адиба асарларини тушуна олмади.

Ўнталикдаги охирги иккита ўринни Шекспир замондоши, инглиз шеъриятига хушовозлик ва мусиқийлик бахш этган, ўз даврида "шоирлар шаҳзодаси" номига сазовор бўлган Эдмунд Спенсер(1552 — 1599)нинг гўзал ва жозибали табиат манзаралари тасвирланган, олижаноб рицар ва соҳибжамол малика образи яратилган "Парилар қироличаси"(1590) поэмаси ҳамда америкалик ёзувчи Жозеф Мак Элрой(1930)нинг "Аёллар ва эркаклар"(1987) романи банд этган.

Ушбу рўйхат дунёнинг турли минтақаларида яшаётган минглаб китобхонлар фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик сўров асосида тузилган. Бизнингча, бу рўйхатни янада кенгайтириш мумкин. Чунки ҳар бир ўқувчида у ёки бу китоб хусусида ўзининг субъектив фикри бўлиши табиий. Яна бир жиҳати, ушбу китоблар эгаларининг аксарияти уларни китоб жавонини безаб туриш ёхуд "Сизда бу китоб борми?" деган саволга "Албатта!", дея жавоб бериш учун харид қиладилар. Аслида уларни очиб ҳам кўрмайдилар. Бугун ўзини китобсевар дегувчи ўқувчиларнинг асосий қисми саргузашт ва олди-қочди сюжетли романларни берилиб ўқийди. Жиддий интеллектуал романларни охиригача ўқимай жавонга жойлаб қўяди. Бунинг сабаби, балки вақтнинг тиғизлиги, турли телекўрсатувлар, компьютер ва интернет ахборотлари билан бандлик бўлиши мумкин. Аслида, адабиёт муаллифнинг яширин ёки ошкора ниятларини ифода этиши билан бирга, билим манбаи ҳамдир. Таниқли адибимиз Ўткир Ҳошимов таъбири билан айтганда, "Китоблар — ҳаётимиз ҳошиясидаги битиклар"дир. Китоблар маданий тамаддун негизини ташкил қилади. Ҳаётимиз ҳошиясидаги ушбу битикларни ўқирканмиз, табиийки, ҳаётни яхлитлигича тушунишга ҳаракат қиламиз.

Тан олиш керак, бугунги кунда турли-туман жанрлардаги каттаю кичик, кўзни қамаштирадиган муқоваларда номи дунёга машҳур ёки умуман нотаниш ёзувчиларнинг китоблари пештахталарда тахланиб турибди. Асосий муаммо улар орасидан айнан кераклисини танлаб олишда. Бордию "интеллектуал роман" ақлни чархлайди, билимни бойитади, дунёқарашни кенгайтиради десалар-да, китоб танлашда янглишманг.

Юқорида келтирилган рўйхатга унчалик ҳам жиддий эътибор берманг. Бу ҳам тижорат йўлидаги, китобларга ўқувчининг диққат-эътиборини қаратиш йўлидаги бир ҳаракат. Авваллари «Ҳаётда ўқилиши лозим бўлган 1000 китоб» тарзидаги рўйхатлар тузилган бўлса, эндиликда «Қўлга олмаган маъқул бўлган 100 китоб», «Зинҳор очиб ўқилмаслик тавсия этиладиган 200 китоб», «Унутиш ва ёдга олмаслик лозим бўлган 300 китоб» каби рўйхатлар кўпайиб кетганки, масалан, жавондан олиб ташлаш тавсия қилинган китоблар орасида ўқувчига маънавий наф келтирадиган асарлар ҳам адашиб кириб қолгани кишини ажаблантиради. Эҳтимол, бундай тенденция китобларнинг ҳаддан ташқари кўплиги оқибатидир. Қолаверса, китоб мутолааси инсон фаолияти тури сифатида шунчалик демократлаштирилдики, интеллектуал салоҳиятингизни фақат ўқимаган китобларни бирма-бир келтириш билан кўрсатиш ягона мезонга айланди. Зинҳор камина фақат интеллектуал прозани ёқлаб чиқаяпти, деган фикрга борманг. Бошқа адабий жанрлар ҳам кўп. Лекин интеллектуал прозага эҳтиёж ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Аслида, интеллектуал роман — бу кенг ва чуқур билимга эга, юксак ақл-идрокли, заковатли ўқувчига мўлжалланган асар. Муаллиф уни ақлий, маънавий, ахлоқий, эстетик ҳамда мантиқий тафаккурни ва хотирани ривожлантирувчи маълумотлар билан бойитади. Таъкидлаш лозимки, XX аср ғарб интеллектуал прозасига абстракт тафаккур, ақл-идрокнинг ғайриихтиёрийлик соҳасига, мифология ва поэтикага йўғрилган

### Жаҳон адабиёти тажрибалари

матнлар структурасига чуқур сингиб бориш хосдир. Ҳаёт фалсафасининг руҳий таҳлил тамойиллари асосидаги талқини ўтган аср ғарб ёзувчилари ижодига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Натижада ғарб бадиий адабиётида борлиқни, объектив воқеликни тарихийлик тамойили негизида англашдан узоқлашиш кузатилди. Натижада, объектив воқеликнинг муайян замон ва маконга оид алоқадорлиги, чамбарчас боғлиқлиги йўқолди, XX аср ғарб адабиётида ўзига хос интеллектуал тафаккур шаклланишига олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, «интеллектуал роман» атамаси илк бор немис адиби Томас Манн (1875 — 1955) томонидан қўлланган. Т.Манн немис файласуфи О.Шпенглер таълимотига бағишланган мақоласида 1914 — 1923-йилларда юз берган тарихий ўзгариш замондошлар онгида даврни теран англаш эҳтиёжини кучайтирганлиги, бу маълум маънода бадиий ижодда ўз аксини топганлигини таъкидлайди. «Ушбу жараён, — деб ёзади Т.Манн, — илм-фан ва санъат ўртасидаги чегарани бузиб ташларкан, абстракт тафаккурни жонлантирди, бадиий образга янги руҳ бағишлади ва «интеллектуал роман» деб номланган асар турини яратди» .

Дарҳақиқат, айнан интеллектуал роман XX аср реализм адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири — ҳаётни кенг кўламда талқин ва тадқиқ қилиш, теран англаш, бадиий образларда гавдалантириб кўрсатишни амалга оширган жанрга айланди. Жаҳон адабиётида интеллектуал роман намуналари Г.Гессе, А.Дёблин, Р. Музил, М.Булгаков, К.Чапек, У.Фолкнер, Т.Вулф сингари машҳур адиблар томонидан тақдим этилган бўлса-да, бу турдаги роман асосчиси дея ҳақли равишда Томас Манн эътироф этилади.

Айнан иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳаётни янгича бадиий усул ва воситалар билан акс эттириш тамойили адабиётнинг ўзига хос тенденциясига айланди. Тарихий романнинг янги шаклида ўтмиш ҳозирги даврнинг ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий муаммоларини кўтариб чиқиш учун қулай тасвир майдонига айланди. Мураккаблик, кўп овозлилик, кўп таркиб ва сатҳлардан иборатлик, биргина бадиий яхлитликда объектив воқеликнинг бир-биридан узоқ қатламлари намоён бўлиши каби жиҳатлар XX аср интеллектуал романи тузилишининг асосий тамойилига айланди. Романнавислар биологик ҳаёт, инстинктив ҳаракат ва руҳиятни алоҳида ажратарканлар, воқеликни ҳам каттаю кичик бўлакларга ажратадилар. Улар бутун борлиқни, воқеликни серфайз водий ва сервиқор "Сеҳрли тоғ"га (Т.Манн), хилватда жойлашган ва ҳаёт ташвишлари билан банд Касталия мамлакатига (Г. Гессе), дунё харитасида йўқ Йокнапатофа округига (У.Фолкнер) айлантирдилар.

XX аср биринчи ярмида миф ўзгача англанди, талқин қилинди, унинг функционал қўлланилиши кескин ўзгарди. Таъбир жоиз бўлса, миф ўтмиш адабиётида замоннинг «шартли либоси» эди. Замонавий адабиётда, айниқса, ғарб ёзувчилари қаламиси остида миф инсоният ҳаётида мунтазам такрорланаётган қонуниятларни ёритувчи узоқ ўтмиш «ҳосиласи» сифатида «тарихий қиёфа»га эга бўлди, мустақил тарзда идрок қилинди, алоҳида ўрганиб чиқилди. Мифга мурожаат бадиий асарнинг замонга доир чегараларини кенгайтирди. Бадиий асар маконини тўлдирган миф чексиз, битмас-туганмас бадиий ўйин, сон-саноқсиз қиёс ва параллел, ҳозирги замонни ойдинлаштирувчи, энг муҳими, уни изоҳловчи мувофиқликлар учун сермаҳсул замин яратди. Воқеалар ривожини монологлар орқали ёритиш, муаллиф «овози»нинг устунлиги, аллюзия, яширин ва очиқ иқтибослар, илгари сурилаётган фалсафий ғояларнинг кўплиги — буларнинг ҳаммаси интеллектуал романнинг ўзига хос хусусиятларидир.



**Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,**
**филология фанлари**
**доктори, профессор**

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

# ТАЛПИНГАНИМ, ТОПИНГАНИМ — САЖДАГОҲИМСАН



## ЮРТИМ

Ота десам, отамдайин
бағри кенгимсан,
Она десам, қуёшларга
меҳри тенгимсан.
Юрагида ёлқини бор
акамсан ўзинг,
Кулгичлари ярашиқли
мунис синглимсан.
Қайда бўлсам сенда кўнглим,
соғиниб юрдим,
Ардоқлайман, авайлайман,
асрайман, юртим!

Зумрад-зумрад сувларингдан
ичганларим бор,
Шудринг сочиб майсазоринг
кечганларим бор.
Темурбек деб Улуғтоққа
суянганларим,
Улуғбек деб самоларни
қучганларим бор.
Қайда бўлсам сенда кўнглим,
соғиниб юрдим,
Ардоқлайман, авайлайман,
асрайман, юртим!

Бешик бўйнин ачомлаган
кўзмунчоғимсан,
Асал ҳиди келиб турган
сахий боғимсан.
Хазинамсан, ўн саккиз минг
оламдан ортиқ,
Талпинганим, топинганим —
саждагоҳимсан.
Қайда бўлсам сенда кўнглим,
соғиниб юрдим,
Ардоқлайман, авайлайман,
асрайман, юртим!

## БЎЛМАСМИ

Қонинг жўшса, кўзёш қайноқ бўлмасми,
Тўксанг, кўксинг куйса қийноқ бўлмасми,
Ичга ютсанг юрагинг доғ бўлмасми,
Ишқ гулхани бизга сабоқ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми оҳ, бўлмасми?

Елган эдик оқ тулпорга мингашиб,
Шаршарадан сув ичардик энгашиб,
Ортимиздан ой юрарди эргашиб,
Сўзлолмаса кўрган гувоҳ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми оҳ, бўлмасми?

Кўзим юмсам халқа-халқа тушдирсан,
Тушларимдан учиб чиққан қушдирсан,
Мен ўзимни қучоқлайман қучдирсанг,
Кўзни очиш энди гуноҳ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми оҳ, бўлмасми?

Иқбол куйса, сен бепарво кулдинг деб,
Тирноқ солиб жон томирин юлдинг деб,
Нималар қилмадинг, нима қилдинг деб,
Охиратда сенга сўроқ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми оҳ, бўлмасми?

## ГУЛМИСИЗ?

Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз,
Ҳурмисиз, пайкармисиз, жононмисиз,
Ҳажрингизда ўлмаган жоним менинг,
Мен-ку лол, сиз ҳам менга ҳайронмисиз?

Қош бўлиб кўнмиш икки куйган ҳилол,
Қошига юлдузчалар уйган ҳилол,
Ёлворурман, кўзни оч, уйғон ҳилол,
Оймисиз, офтобмисиз, осмонмисиз?

Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз,
Қушмисиз, гулмоҳмисиз, жайронмисиз,
Дурмисиз, инжумисиз, олмосми ё,
Бормисиз ростдан ёки ёлғонмисиз?

Хўп ғалат ҳолат эмиш ошиқ иши,
Ким дегай роҳат эмиш ошиқ туши,
Беҳол, бетоқат эмиш ошиқ киши,
Бир нафас кўз қирини солғонмисиз?

Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз,
Тоғмисиз, дарёмисиз, сайҳонмисиз,
Воажаб, мендан сўрайдир дўстларим:
Қулмисиз, ошиқмисиз, қурбонмисиз?

## МАРҒИЛОН

Марғилонга боргим келмайди,
Борсам алам ўрайверади.
"Кумуш яхши юрибдими", деб,
Ҳамма мендан сўрайверади.

Сўрайверар кўча, гузарлар,
Сўрайвериб кўнглим бузарлар,
Кумушойдан ойгина қиздан
Қандоқ қилиб умид узарлар.

"Яхши", — дейман — , "шукур, соғ-омон,
Келиб қолар, дейман, Марғилон..."
Қаролмайман Офтобойимга,
Ич-ичидан куяр, бағри қон.

Сўроқ белгисидек янги ой
Эргашади, тинмай сўроқлар.
Кумушини сўрайди мендан
Кумуши йўқ тилла равоқлар.

Бирдан жимиб, тўхтар ўйиндан,
Қизчаларнинг саволчаси бор.
Юз эллик йил бўлди — қўйнимда
Кумушойнинг рўмолчаси бор.

Марғилонга боргим келмайди,
Борсам қайғу ўрайверади.
"Кумуш яхши юрибдими" деб,
Ҳамма мендан сўрайверади.

## АСКАР ХАТИ

Салом, она, онажонгинам!
Яна сизга ёзмоқдаман хат.
Саломатми азиз отам ҳам,
Укаларим юргандир хушбахт!

Бошим узра юлдуз чароғон,
Чегарада турибман сергак.
Юрт бўлсин деб тинч ва фаровон,
Доим бедор уради юрак.

Аскар бўлиб улғайдим бугун,
Она Ватан недир, англадим.
Жоним фидо элу юрт учун,
Мард оталар йўлин танладим.

Онажоним, онажонгинам,
Сизга меҳрим тилагимда жам.
Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин,
Энг улуғ ва энг азиз байрам!

Хайр, она, хайр, онажон,
Доимо тинч бўлсин кўнглингиз
Ва бахтимга бўлинг соғ-омон,
Салом билан
аскар ўғлингиз!

## ҲЕЙ, ЁРОНЛАР-ЭЙ!

Булбул дилим сайраб турар,
Жисму жоним яйраб турар,
Шукроналар айлаб турар
Шундай замонларни кўриб,
Давру давронларни кўриб.

Нега ғурурга тўлмайин,
Тупроғимдан ўргилмайин,
Юксалган осмонлар сайин
Тоғдек хирмонларни кўриб,
Уста деҳқонларни кўриб.

Ошиқ юрак жўшиб кетар,
Мендан олдин шошиб кетар,
Қирғоғидан тошиб кетар
Қоши камонларни кўриб,
Моҳи тобонларни кўриб.

Йигирмага кирган укам,
Сен ҳеч кимдан эмассан кам.
Навқиронман бугун мен ҳам
Сендек ўғлонларни кўриб,
Марди майдонларни кўриб.

Юрт яшнаса, яшнайман-да,
Юрт ишқи бор жону танда.
Завққа тўлиб куйлайман-да
Асл инсонларни кўриб,
Азиз меҳмонларни кўриб!

## ОШИҚЛИГИМНИ АЙТИНГ

Эй, яхшилар, дилдорга
ошиқлигимни айтинг,
Ҳамроз бўлди дил торга
ошиқлигимни айтинг.

Дилнавозу дилрабо,
кўргаймикин дил раво.
Дилафрўз, дилозорга
ошиқлигимни айтинг.

Ҳоли ёмон деб айтинг,
боғи хазон деб айтинг,
Гулзода, гулбаҳорга
ошиқлигимни айтинг.

Чоҳлар қазиб юрмасин,
кўнглин бузиб юрмасин.
Дўстларимга, ағёрга
ошиқлигимни айтинг.

Юраги доғлиқ мардлар,
юракка боғлиқ дардлар,
Таскин бўлар, беморга
ошиқлигимни айтинг.

Қаноти йўқ не хабар?
Эл қолмасин бехабар,
Жарчи солиб бозорга
ошиқлигимни айтинг!

---

*Жаҳон адабиёти*

Алфонс ДОДЕ,
Франция

# СЎНГГИ САБОҚ

*Ҳикоя*

Ўша куни эрталаб мактабга жуда ҳам кеч қолаётган эдим. Муаллимдан танбеҳ эшитишимни ўйласам юрагим орқага тортиб кетарди. Устига-устак мосье Амел биздан аввалги дарс мавзусини — сифатдошларни сўрамоқчи эди. Мен эса яримта сўз ҳам ёдламаганман. Бир зум хаёлимга дарсга кирмасдан сайр қилиб юриш фикри келди.

Ҳаво жуда очиқ ва илиқ эди...

Ўрмон четида сайроқи қораялоқларнинг куйлаётгани, тахта йўниш заводи ортидаги Ривер ўтлоғида немисларнинг сафда юриш машғулотларини бажараётганликлари эшитилиб турарди. Буларнинг бари мени дарсдаги сифатдош қоидаларидан кўра кўпроқ ўзига жалб қилди, лекин мен ўзимни қўлга олиб, мактабга югурдим.

Мерия* ёнидан ўтаётиб, эълонлар тахтаси олдида тўпланиб турган одамларга кўзим тушди. Сўнгги икки йил ичида биз у ерда барча кўнгилсизликдан хабардор бўлар эдик: бой берилган жанглар, реквизициялар, коммендант буйруқлари; ўйланиб қолдим: "яна қандай нохушликлар бўлиши мумкин?"

Шу пайт шогирди билан эълонларни ўқиб турган темирчи Вахтер мени чақириб қолди:

— Шошма, болакай, улгурасан ўша мактабингга.

У устимдан куляпти деб ўйладим ва ҳаллослаганча мосье Амелнинг уйи олдидаги гулзор томонга югурдим.

Одатда дарс бошида кўчага эшитиларли даражада шовқин кўтариларди. Болалар қулоқларини қўллари билан ёпганча ўтилган мавзуларни ғўнғиллаб такрорлашар, партани дўмбира қилиб чалишар, муаллимимиз эса чизғичи билан тинчлантиришга уринарди:

— Секинроқ, секинроқ, болалар!

Мен мана шу шовқин-сурон остида жойимга сездирмасдан ўтиришни мўлжаллагандим, аммо шу бугун якшанба тонгидек жимжит эди.

Очиқ ойнадан ўртоқларим аллақачон жой-жойларида ўтирганини, мосье Амел эса ваҳимали чизғичини қўлтиқлаганча у ёқдан-бу ёққа бориб келаётганини кўрдим. Бу жимжитликда қандай қилиб эшикни очиб кирсам экан? Қўрқувдан қанчалик қизариб, қалтираётганимни тасаввур қилиб кўринг.

Хавотирим ўринсиз экан, мосье Амел менга мулойим қаради ва эркалаб деди:

— Қани Франц, ўғлим, кирақол. Биз сенсиз дарсни бошламоқчи бўлиб тургандик.

Мен стулни ҳатлаб ўтиб ўз жойимни эгалладим. Шундагина, қўрқувим босилганидан кейин, муаллимнинг эгнидаги дабдабали



яшил сюртук, бурама галстук ва бошидаги қора ипак тақяни кўрдим. У фақат инспектор ташриф буюрганда ёки мукофотлар тақдим этилаётганда шундай кийинарди. Бутун синф кўзимга ажиб ва дабдабали бўлиб кўринди. Аммо мени бошқа ҳолат ҳайрон қолдирди: кўпинча бўш турадиган орқа ўриндиқларда қўлида учбурчак мусиқа асбоби билан қария Хаузер, унинг ёнида собиқ мер, почтачи ва бошқа қишлоқ кишилари ўтирарди. Уларнинг юзи ғамгин, Хаузернинг тиззасида четлари титилган эски алифбе, унинг устида эса катта кўзойнак турарди.

Мосье Амел аввалгидай мулойим, лекин жиддий оҳангда ҳаммамизга мурожаат қилди:

— Болалар, бугун сизлар билан сўнгги бор дарс ўтишимиз. Берлиндан Элзас ва Лотарингия мактабларида фақат немис тили ўқитилиши ҳақида буйруқ келди. Янги ўқитувчи эртага келади. Бугун француз тилидан охирги машғулотимиз. Илтимос, эътиборлироқ бўлинглар!

Мана шу икки оғизгина сўз мени ларзага солди. Ах, разиллар! Мерия деворига илинган эълон нима ҳақида эканлигига энди тушундим.

Сўнгги француз тили дарси!..

Мен бўлсам зўрға ёза олардим! Демак, энди ёзишни яхши ўрганолмайман! Бутун умр саводсиз бўлиб қоламан! Дарсга кириш ўрнига қуш уясини ахтариб юрганим, музлаган Саара кўли устида сирпанчиқ учиб йўқотган вақтимга шунчалар ачиниб кетдим-ки!

Бир оз олдин зерикарли бўлган китоблар энди мен учун қадрдон дўстлардек бўлиб туюлди. Улардан ажралиш мен учун оғир эди. Мосье Амел-чи?! Хаёлимда уни бошқа кўролмайдигандек эдим. Бир лаҳзада унинг танбеҳлари, чизғич билан жазолашларини ҳам унутдим.

Бечора! У охирги дарс шарафига ўзининг байрамона либосларини кийганди. Орқа ўриндиқлардаги қишлоқ одамларининг нима учун бу ерда ўтиришганларини энди тушундим. Улар тез-тез бу ерга — мактабга келиб турмаганликларидан афсусда эдилар. Уларнинг бари муаллимнинг қирқ йиллик ҳалол хизмати учун миннатдорлик билдираётганга ўхшаб кўринарди.

Исм-фамилиям янграганини эшитиб хаёлим бўлинди. Жавоб бериш навбати меники эди. Қанийди, сифатдош қоидаларини баланд овозда, тутилмасдан, дона-дона қилиб гапириб бера олсам. Бироқ мен ҳаммасини чалкаштириб юбордим, оғирлигимни у оёғимдан бу оёғимга ташлаб, кўзимни ердан узолмай туравердим. Мосье Амел менга тикилганча сўзлай бошлади:

— Мен сени койимайман, Франц, ўғлим, шундоқ ҳам жазоланганлигингни билсанг керак. Ҳар сафар "Қаёққа ҳам шошилдим, эртага ёдлайман", деб ўйлайсан. Оқибати нима бўлди? Биз элзасликлар ўқишни доимо ортга сурамиз — фожеамиз ҳам ана шунда. Сизлар ўзингизни француз деб биласиз, ваҳоланки, ўз она тилларингда тўғри гапиришни ҳам, ёзишни ҳам эплай олмайсиз. Бунда сенинг айбинг бошқаларникидан кам эмас, Франц, ўғлим. Биз ўзимиздан ўпкалашимиз керак. Ота-оналаримиз ўқишларимиз ҳақида кўп ҳам қайғураверишмайди. Мактабга жўнатиш ўрнига қўшимча ақчага эга бўлиш мақсадида сизларни далага ёки фабрикага ишлаш учун юборишади. Мен ўзим-чи? Мен эмасми сизларга билим бериш ўрнига боғдаги гулларни парваришлашни зиммангизга юклаган? Мен эмасми, балиқ овлагим келиб қолганда сизларни тап тортмай дарсдан озод қилган?

Шундан сўнг мосье Амел француз тили дунёдаги энг ажойиб тил эканлигини, бу тилни асрашимиз лозимлигини, чунки мустамлака халқ ўз она тили ёрдамидагина ёруғликка чиқа олишини уқтирди... Сўнгра муаллим грамматикадан маъруза ўқиди. Дарсни яхши тушунаётганимдан ўзим ҳам ҳайратда эдим. Мосье Амел мавзуни жуда равон тушунтирарди. Авваллари дарсни бунчалик диққат билан тингламагандим. Муаллимимиз кетиш олдидан бор билимини бизга қолдирмоқчидек эди гўё.

Грамматикадан сўнг ёзувга ўтдик. Мосье Амел намуна сифатида доскага чиройли ҳуснихат билан қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: "Франция, Элзас. Франция, Элзас".

Синф сув қуйгандек жимжит, фақат қоғоз устида югураётган қаламнинг қитирлашигина эшитиларди...

Мактаб томида каптарларнинг ғув-ғувлагани қулоғимга чалинди. Ўйланиб қолдим: "Ҳали уларни ҳам немисча куйлашга мажбурлаш керакдир?".

Кўзимни дафтардан узганимда мосье Амелнинг мактаб билан қайта кўришолмайдигандек ҳар бир нарсага синчиклаб қараётганини кўрдим. Ўйлаб кўринга, у қирқ йиллик умрини шу мактабга бахшида этди. Эски стул ва парталар кирланиб ялтирар, ҳовлидаги каштан дарахтлари осмон қадар бўй чўзган, уларнинг тагига ўтқазилган хмел бутун деразани тўсиб турарди. Унинг учун буларнинг ҳаммаси билан хайрлашиш оғир эди. Ахир, у эртага бу ерларни бутунлай тарк этади.

Мосье Амел дарсни охиригача етказишга ўзида куч топа олди.

Ёзув-чизувдан сўнг тарих дарсига ўтдик; кейин барчамиз хор бўлиб, ҳарфларни қайтардик: ба, бе, би, бо, бу. Орқа ўриндиқдаги қария Хаузар ҳам кўзойнагини тақиб, алифбони қўлида тутганча бизга жўр бўлди: унинг овози ҳаяжондан титраб чиқарди; уни эшитиб йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмасдик. О, йўқ! Бу дарс сира ҳам ёдимдан кўтарилмайди...

Тўсатдан черков соати кун ярим бўлганини, ибодатга шошилиш кераклигини эслатгандек бонг ура бошлади. Шу онда дераза тагидан машғулотдан қайтаётган прусс аскарларининг трубалари жаранглади. Мосье Амелнинг ранги бўздек оқарди ва ўрнидан турди.

— Дўстларим, — деди у, — дўстларим, мен, мен...

Унинг бўғзига нимадир тиқилгандай бўлди. Шунда у қўлига бўрни олиб, катта ҳарфлар билан кучининг борича қуйидаги сўзларни ёзди:

"Яшасин, Франция!"

Кейин у бошини эгганча, стулга ўтириб қотиб қолди ва қўли билан бизга ишора қилди:

"Энди тамом... Кетинглар!"

**Рус тилидан Саиджалол САИДМУРОДОВ таржимаси.**

---

* *Шаҳар бошқармаси биноси*

---

# БАРҲАЁТ МЕРОС

Уста ҳунармандларимиз меҳнати туфайли қадимий кулолчилик анъаналари муттасил давом этиб келмоқда. Ўзбекистон давлат амалий санъат музейида Charming Orient туристик компанияси ҳамда Azu. UZ портали ҳамкорлигида ўтказилган Уста Мирзабаҳром Абдуваҳобовнинг шахсий кўргазмаси бунинг далилидир.

*Кўргазма залларида*

Андижонлик машҳур кулоллар сулоласининг ўн тўртинчи вакили мазкур кўргазмада 300 га яқин турли кулолчилик намуналарини намойиш қилди. "Белбоғи", "Меҳроба", "Чорси", "Бўртма" услубларда ишланган сурнайдаҳан, анордаҳан кўзалар ҳамда рўзғор учун мўлжалланган сопол буюмларда қадимий нақшларнинг янги услубларини кўриш мумкин. Улардаги яшил ранглар устуворлиги водий рамзларини акс эттирган. Эътиборли жиҳати, Мирзабаҳром Абдуваҳобов ўз ишланмалари-



га замонавий ёндашиб, миллий меросимизни бугунги қадриятлар асосида бойитган. Шу боис кўргазмадан жой олган лагану бодиалар, ликопчаю мевадонларни фақат томоша қилибгина қолмай, балки улардан уй-рўзғорда ҳам фойдаланиш мумкин.

Уста кулол Австрия, Испания, Германия, Венгрия, Чехия, Руми-нияда ўтказилган кўргазмаларда қатнашиб, совринли ўрин ва мукофотларни қўлга киритган. М.Абдуваҳобов Бадиий академия, ЮНЕСКО қошида ташкил этилган халқ анъанавий амалий санъат тарғиботи маркази аъзоси бўлиш билан бирга, Андижон шаҳар "Ҳунарманд" уюшмаси бадиий кенгаши раиси сифатида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Кўргазмада шажаранинг ёш давомчиси Акбар Мирзабаҳромов-нинг ишлари ҳам тақдим этилди. Бу кулолчилик санъатимиз миллий мерос сифатида барҳаёт давом этаётганини билдиради. Зеро, кўргазманинг асосий мақсади ҳам ёш авлодга ўзликни англашда кўмаклашиш ҳамда азалий қадриятларни санъат воситасида тарғиб этишдан иборатдир.

**Азиз МАТЁҚУБОВ**

## 21 октябр — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун

**Театр саҳнасига қадам қўйган ҳар бир актёр адабий тил соҳиби бўлиши лозим. Биргина истеъдод эвазига бу чўққини забт этиш мумкин, деб ўйлаганлар адашади. Саҳна талабларига жавоб берувчи бадиий тилга эга бўлиш учун, аввало, машаққатли меҳнат талаб этилади. Ҳақиқий маҳорат тажриба натижасида қўлга киритилгани каби, бадиий тилни эгаллаш ҳам тинимсиз ижодий изланишларнинг мевасидир. Бунинг учун актёр ҳамиша ўз устида ишлаши, адабий асарлар мутолаасини канда қилмаслиги зарур.**

Ўзбек театрининг асосий ютуқларидан бири ҳам шуки, бизда ҳамиша бадиий тил масаласига катта эътибор бериб келинган. Шу туфайли ўз даврида саҳна тили имкониятларидан юксак даражада фойдалана олган кўплаб актёрлар авлоди етишиб чиқди. Бахтим шундаки, ана шундай етук ижодкорлардан сабоқ олиб, улар билан бир саҳнада ижод қилиш имконига эга бўлдим.

Ростини айтганда, саҳна бадиий тилини, яъни унинг асосини ташкил этувчи адабий тил мезонларини эгаллашим осон бўлмаган. Театр институтига кириш имтиҳонларини ҳатто рус тилида топширганман. Негадир, ўша пайтда ҳеч ким бунга эътибор бермасди. Бироқ ўқишга кирганимдан сўнг устозим Тошхўжа Хўжаев "Агар ҳақиқий актёр бўлишни истасанг, аввало, она тилингни мукаммал билишинг лозим", дея қатъий талаб қўйди. Шундан сўнг саҳна тилининг пойдевори ҳисобланган миллий адабиётимизни ўрганишга киришдим.

Албатта, бадиий тилни биргина мутолаа эвазига шакллантириб бўлмас экан. Бунинг учун актёр биринчи навбатда ўз руҳиятини, маънавий оламини тарбиялаши лозим. Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Обид Жалилов, Наби Раҳимов каби устоз ижодкорларнинг ижролари мисолида шунга амин бўлдимки, тил актёр яратаётган образнинг ажралмас қисмига, характерининг муҳим жиҳатига айланган тақдирдагина томошабин эътиборини жалб этишга қодир бўлади.

Отахон театримизда ижодимни бошлаган дастлабки йиллар кечагидек ёдимда. Ўша пайт "Фурқат" тарихий драмасини саҳнага қўйиш масаласи муҳокама қилинаётган эди. Спектаклдаги бош қаҳрамон — Фурқат ролини Олим Хўжаевга таклиф қилишди. Бу образ кўплаб актёрларнинг орзуси бўлишига қарамай, кенгаш чоғида Олим ака "Фурқат ролида театримизнинг ёш, актёрларига ишониб топширсак қандай бўларкин", деган таклифни ўртага қўйди. "Ёш актёрларимиз орасида кимни Фурқат ролида кўряпсиз?" деб сўрашганида, Олим ака "Бу иш Турғуннинг қўлидан келишига ишонаман", дея жавоб берган. Бироқ Фурқат ролини ижро этишга дастлаб журъатим етмади. Сабаби, Фурқат ўз даврининг йирик маърифатпарвар шоирларидан бири эди. Бу ижодкор сиймосини яратган актёр, биринчи навбатда, адабий тилни ва мумтоз адабиётимизни мукаммал билиши лозим эди. Шундан сўнг Фурқат ролини Зикир Муҳаммаджоновга топширишди. Мен эса Зикир аканинг дублёри сифатида тайинландим. Кўнглимда бу ролни ижро этиш ҳаваси бўлгани учун ҳам Фурқат ижодини, мумтоз адабиётимизни ўрганишга жиддий киришдим.

Кунларнинг бирида театримиз билан Самарқандда "Фурқат" спектаклини намойиш этадиган бўлдик. Бироқ кутилмаганда Зикир ака бетоб бўлиб, саҳнага чиқолмай қолди. Спектакл намойиш этиладиган кун эса аллақачон белгиланган, билетлар ҳам сотилганди. Ниҳоят, Фурқат ролида илк бор саҳнага чиқишимга тўғри келди. Ўша пайтда юрагимдан кечган ҳаяжонни сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Бир томондан хурсанд бўлсам, иккинчи томондан хаёлимни "Турғун, сен бу ролга ҳали тайёр эмассан", деган фикр сира тарк этмасди. Мени чулғаган иккиланишларга қарамай, барибир саҳнага чиқдим ва актёр сифатида бор маҳоратимни ишга солдим. Буни қарангки, ижроим томошабинларга ҳам, театр жамоасига жуда маъқул келди. Намойишдан сўнг Олим ака ёнимга келиб, "Ишончимизни оқладинг, Турғун, бу ролни маромига етказиб ижро этишингга шубҳам йўқ эди!", дея мени табриклади.

Кейинчалик ўйлаб қарасам, бу спектакл мен учун ижодий синов бўлган экан. Энг муҳими, саъй-ҳаракатларим бесамар кетгани йўқ. Театр менга она тилимни ўзим учун қайта кашф этиш имконини берди. Шуни ишонч билан айта оламанки, адабиётга ошно тутинганим учун ҳам театр ижодкори сифатида ўрнимни топишга эришдим.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори театр санъатида ҳам муҳим воқеага айланди. Тўғри, илгари ҳам театрларимизда спектакллар ўзбек тилида саҳналаштириларди. Бироқ шўро даврида она тилимизга нисбатан беписанд муносабат театр санъати фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ўша пайтлар нима учундир кўпгина театр атамаларини русча талаффуз қилиш урф саналарди. Ваҳоланки, бу аслида маданиятсизлик белгиси эканига эътибор қаратилмасди. Бу даврда мумтоз адабиётимиз намуналарининг саҳнавий талқинларини яратиш долзарб масалага айланганди. Зеро, ҳар бир миллат театри ўз адабиётининг мумтоз намуналарига мурожаат қилиши лозим эди. Саҳна тилини ривожлантириш жараёнида ҳам айнан мумтоз адабиёт актёрлар учун намуна сифатида хизмат қиларди. Афсуски, узоқ йиллар давомида бу қимматли манба асосида саҳна асарлари деярли яратилгани йўқ. Аксинча, мумтоз асарларимизни четлаб ўтишга, рус драматургларининг асарларини намуна қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинди.

Хайриятки, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, том маънода, она тилимизни саҳнага қайтариш имконини берди. Жумладан, Президентимиз томонидан театримизга "Миллий театр" мақомининг берилиши замирида ҳам чуқур маъно бор. Чунки биз яратаётган асарлар миллий руҳга эга бўлиш учун, аввало, саҳнада она тилимизнинг гўзал оҳанглари янграши лозим. Шу маънода айтиш мумкинки, театримизга миллийлик бахш этувчи асосий омил ўзбек тилидир.

Истиқлол йилларида ўз ижодимда тил масаласига катта эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Режиссёр сифатида спектакллар саҳналаштиришни бошлаганимдан сўнг бадиий тил масаласига янада кенгроқ назар ташлаш зарурати туғилди. Сабаби, мен режиссёр сифатида бошқа актёрларнинг тил маҳоратига жавобгар шахсга айландим. Шунингдек, педагоглик фаолиятимда ҳам саҳнавий тил асосий мезонлардан бири бўлиб қолди. Ўтган йиллар давомида ҳатто тил муаммосига бағишланган "Тили асалим" спектаклини саҳналаштирдим.

Ижод жараёнида муаммолар бўлиши табиий ҳол. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам театр ижодкорлари тил масаласига жиддий эътибор қаратишлари зарур. Бу ҳақда сўз борар экан, саҳна санъатимизда тил билан боғлиқ айрим муаммолардан кўз юммаслигимиз керак. Бугун саҳнада бемалол шевадан фойдаланиш мени, айниқса, хавотирга солмоқда. Тўғри, маълум бир қаҳрамонларнинг характерини, дунёқарашини очишда шева сўзларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ баъзи актёрлар томошабинларни кулдираман деб билиб-билмай шевани қўллаётгани тўғри эмас. Ачинарли томони айрим театрларда бу ҳатто "урфга" кириб қолмоқда. Ваҳоланки, актёр ёзувчи, шоир сингари адабий тилимизнинг софлиги, гўзаллигига жавобгар шахс. Театр санъатида адабий тил мезонларига риоя этилишида биз — катта авлод ижодкорлари масъулиятни ҳамиша ҳис этиб туришимиз ёшларга ўрнак бўлади, деб ўйлайман.

**Турғун АЗИЗОВ, Ўзбекистон халқ артисти**

# АДАБИЙ ТИЛ — БОШ МЕЗОН



# КИНО САНЪАТИ: ЯНГИ НОМЛАР ВА ҚАҲРАМОНЛАР

**Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби миллий кино санъатида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бериб, ўзбек киноси жаҳон экранлари сари юз тутганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу улкан ижтимоий-сиёсий ҳодиса кинодраматурглар зиммасига биринчи галда янги давр қаҳрамони образини яратишдек муҳим вазифа юклаганини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

Ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида ижодкорлар замондош қиёфасини яратиш устида тинимсиз изланиш олиб боришди. Шу сабабли ўзбек кинодраматургиясида турли характерли қаҳрамонлар галереяси таркиб топди. Миллий кинода муаллифлик филмларини яратувчи ижодкорлар сезиларли даражада кўпайди. Шунингдек, режиссёрларнинг ёзувчилар билан ҳаммуаллифликдаги сценарийлари ортиб борди. Ўзбек кинодраматургиясида янги номлар пайдо бўлди. Хусусан, Музроб Боймуҳаммедов, Зулфиқор Мусоқов, Собир Назармуҳамедов, Жасур Исҳоқов, Нозим Аббосов, Ёлқин Тўйчиев каби ижодкорлар ўз сценарийларида замонавий образлар галереясини яратиб, шу асосида филмлар ишлай бошлашди. Муҳими, улар яратган қаҳрамонлар характери, дунёқараши ва руҳиятида янги давр нафаси сезилиб турди. Мукаммал бадиий сценарий яратиш борасида ёзувчи-ижодкорлар билан ҳамкорлик қилиш ҳам давом этди. Жумладан, Шароф Бошбеков, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Тоҳир Малик, Анвар Обиджон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мурод Муҳаммад Дўст каби ижодкорлар ўз сценарийларида замондошлар образини турли мавзулар кўламида гавдалантирдилар.

Истиқлол туфайли экран қаҳрамонлари эркин фикрга эга одамлар сифатида гавдалана бошлади. Бу қиёфалар турли дунёқарашга эга бўлса-да, ҳаммаси бугуннинг одамлари. Шу ўринда Ш.Бошбеков Э.Аъзамнинг «Жийдалидан чиққан Жўрақул» драматик қиссаси асосидаги «Жаннат қайдадир» номли сценарийсини кино тилига моҳирона мослаганини таъкидлаш жоиз. Мазкур сценарий тушунарли, қисқа жумлалардан иборат бўлиб, бадиий асарнинг тили равон, қаҳрамонлари ён-атрофимиздаги замондошларимиздир. Сценарийга танланган мавзу бугунги кун учун долзарб. Унга асос қилиб олинган ғоя ҳар бир ўқувчини мушоҳада юритишга ундайди. Бош қаҳрамон одатдагидек ягона эмас, балки икки инсон — эр-хотин жуфтлигидан иборат. Сценарийнинг асосий конфликти айнан шу сиймоларнинг бир-бирига қарама-қарши дунёқараши сабабли келиб чиқади.

Янги даврда майдонга чиққан кинодраматурглар кўпчиликни ташкил этмаса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос қаҳрамонлар образини яратиб келмоқда. Хусусан, Ёлқин Тўйчиев, Ғафур Шермуҳаммад, Акбар Бектурдиев қаҳрамонларининг барчаси замондошларимиз. Сўнгги ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Ёлқин Тўйчиев кўплаб ёш замондошларимиз сиймосини гавдалантирди. Муаллиф ҳар бир сценарийда бу образлар зиммасига ўзига хос вазифа юклайди. Мазкур образлар орқали ўз саволларига жавоб топади. Унинг «Чашма» сценарийсида шаҳарда ўқишни битириб келган ўзбек қизи Орзибининг тўйдан олдин чашмага бориб юз-қўлини ювиш (бу ирим, холос) чоғидаги кўрган-кечирганлари ҳикоя қилинади. Қиз чашмага етгунига қадар турли оилалардаги муаммоларга дуч келади. У одамлар ўртасидаги муносабатларнинг гувоҳи бўлар экан, турмуш масаласида тўғри йўл тутаяпманми ёки йўқми, дея ўйлаб қолади.

Киносценарийга ҳаётда учрайдиган оддий воқеликлар асос қилиб олинган. Ё.Тўйчиев барча воқеаларни бир-бирига мантиқан изчил боғлаб, ўзига хос услубдан фойдаланади. Драматургик жиҳатдан пухта ёзилган «Чашма» номланиши, қаҳрамонларга исм танлаш, уларга ўзига хос характер бериш жиҳатидан ҳам эътиборга сазовор. Сценарий сўнггида бир нечта оилавий муаммолар гувоҳи бўлган Орзиби довонга келгач, юзини чашма сувида ювади. Унинг дувиллаб томчилаган кўз ёшлари билан бирга кўрган-кечирганларини ҳам сув оқизиб кетади, у кўнглидаги барча ғуборлардан холи бўлади. Замонамиз қаҳрамони сифатида гавдалантирилган Орзиби ҳаётга, ён-атрофида яшаётган инсонларнинг турмуш тарзига синчковлик билан разм солади, ҳаётда ўзи бу хатоларни такрорламаслиги учун хулоса чиқаради.

**Шахсий мулоҳаза**



**«Телба» филмидан лавҳа.**

Мустақиллик йилларида шаклланган хусусий киностудиялар миллий кино санъати учун ўзига хос тажриба вазифасини ўтамоқда. Бироқ унинг энг муаммоли жиҳати айнан сценарий масаласидир. Ҳар бир ижодкор ўзига хос образ яратишга ҳаракат қилади. Баъзан у қайси бир жиҳатлари билан мавжуд образларни такрорлайди. Бунинг сабаби, хусусий студиялар филмининг бадиий асоси — киносценарий аксарият ҳолларда ҳаваскорлар томонидан ёзилмоқда. Маълумки, хусусий студияларнинг филмлари ҳомийлар маблағи ҳисобига яратилади. Шу боис сценарийга қандай мавзу танлаш ва филмга кимларни таклиф қилиш каби турли масалалар айнан улар томонидан ҳал қилинади. Бундай филмлар сценарийларида ёшларни қизиқтириш мақсадида асосан севги-муҳаббат мавзуига мурожаат этилмоқда. Деярли бир хил мавзу, бойлик ва камбағаллик асосига қурилган конфликт, реал ҳаётга зид ечим, ўзбекона оилага хос бўлмаган якка фарзандлик, образларда характернинг етишмаслиги ёки, аксинча, ҳаддан ташқари бўрттириш, воқеаларнинг тўқималиги сингари камчиликлар тижорат киноси сценарийларининг савиясига путур етказиши кўп учрайдиган ҳолга айланиб қолди.

Буни англаб етган соҳа вакиллари сўнгги пайтларда профессионал соҳа мутахассислари кўмагидан фойдалана бошлашди. Бу эса хусусий студиялар фаолиятида тубдан бурилиш ясади. Турли мавзу ва турли жанрларда томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган филмларда қаҳрамонлар образлари ҳам ўзгара бошлаганини кўриш мумкин. Шунингдек, бу даврга келиб, жанрлар бойиб борди. Жанрлар уйғунлиги, яъни романтик мелодрама, драматик мелодрама, трагик мелодрама вужудга келди. Драма, комедия, трагедия, детектив жанрларда ҳам филмлар яратилди.

Жаҳонгир Қосимов ва Наврўза Бийназова қаламига мансуб «Қалб фарёди» киносценарийсида кўпчилик назаридан бирмунча четда бўлган одамлар ҳаёти қаламга олинган. Муаллифлар «Қалб фарёди» киносценарийси орқали тақдир тақазосига кўра шундай қисматга маҳкум бўлган кар-соқовларнинг ҳам барча одамлардек ҳаёт кечиришга ҳақли экани, улар қалбида ҳам эзгу орзу умидлар, ижобий ва салбий кечинмалар хос эканини нозик чизгиларда очиб берадилар. Ҳар бир қаҳрамон ўзига хос табиатга эга.

Сценарий муаллифларининг ноанъанавий мавзу ва ғоя танлагани, киносценарийга қалбни ўртовчи воқеани асос қилиб олгани, энг муҳими, уларни ҳаётий гавдалантиргани эътирофга сазовор.

Ёлқин Тўйчиев хусусий киностудия учун ёзган «Телба» сценарийсида бугунги ёшларнинг қалб кечинмаларига урғу беради. Драматург ҳаётни, одамлар турмуш тарзини синчковлик билан кузатиб бориши лўнда ва образли ифода этилган монолог ва диалогларда сезилиб туради. Сценарийда нафақат муҳаббат, балки дўстлик ва ака-сингил муносабатлари ҳам таъсирчан акс этган.

Мазкур сценарий хусусий кино учун сценарий ёзиш жараёнида нафақат маиший масалалар, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга муаммоларга ҳам эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Айрим ҳолларда сценарий танқислиги муаммоси сабаб бадиий саёз, ғоявий бўш кино асарларининг экранга чиқиб кетаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Сценарий кинонинг асоси экан, уни ёзиш жараёнида барча ўзига хос жиҳатлар инобатга олиниши лозим. Мазкур санъатнинг ўзига хослиги эса монолог ва диалогларнинг қисқа ҳамда лўндалигида, сюжет линияларининг ўзаро боғлиқлигида ҳамда қаҳрамонлар характери тиниқлигида намоён бўлади.

Замондош қаҳрамон образининг ёрқин чиқишида салбий образнинг алоҳида ўрни бор. Замонавий кинодраматургия муаммоларидан бири шунга келиб тақалади. Фақатгина ижобий қаҳрамонлар образини яратиш билан кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Зеро, асар қаҳрамони қарама-қаршиликларда, қийинчиликларда тобланиб, ўзини намоён этиши зарур...

Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан яна бири — бу ёш кинодраматурглар танқислигидир. Бунинг учун Санъат ва маданият институтида «Кинодраматургия» бўлимини очиш лозим деб ўйлаймиз. Қолаверса, мазкур соҳага қизиқувчи ёшлар учун давлат ҳамда хусусий киностудиялар қошида клублар ташкил этиб, малакали кинодраматурглар иштирокида «маҳорат дарслари»ни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.



**Ҳафиза НИЁЗОВА**

Бошланиши биринчи саҳифада.

# "ОЛТИН ГЕПАРД" ЯНА ДУНЁ НИГОҲИДА

Анжуманда иштирок этиш учун бу йил жами беш юздан ортиқ экран асарлари тақдим этилган бўлиб, юртимиз ва хорижлик мутахассислардан тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан танловнинг асосий дастури учун 11 тўлиқ метражли, 13 қисқа метражли, 10 анимацион филм танлаб олинди. Улар орасида Анна Доозенинг "Қалбдаги ғубор" (Германия), Одил Яроғийнинг "Лайли билан танишув" (Эрон), Петр Тжаскальскининг "Отамнинг велосипеди" (Польша), Нуоминг Хуарининг "Ибодат" (Хитой) тўлиқ метражли филмлари, Юрген Карасекнинг "Ноябр чироқлари" (Австрия), Сергей Соловьёвнинг "Оқ от" (Россия), Чема Гарсиа Ибарранинг "Сир" (Испания) қисқа метражли асарлари ҳам бор. Анимацион йўналишда Владка Макурованинг "Капалаклар қаерда туғилади" (Чехия), Амир Адмонининг "Чизиқ" (Бразилия), Давид Павоннинг "Оригами" (Испания) картиналари намойиш этилади. Мазкур филмларни саралашда уларнинг ғояси, бадиий савияси, мазмуни, актёрлар маҳорати каби жиҳатларга эътибор қаратилди. Улар "Энг яхши анимацион филм", "Энг яхши қисқа метражли филм", "Энг яхши эркак роли", "Энг яхши аёл роли", «Энг яхши режиссура", "Энг яхши тўлиқ метражли филм" номинациялари бўйича баҳоланади. Асосий танловда юртимиздан Ҳилол Насимовнинг "Тубанлик" ҳамда Собир Назармуҳамедовнинг "Армонли дунё" тўлиқ метражли картиналари, ёш режиссёрлар Ҳасан ва Ҳусан Солиҳовларнинг "Балерина", Анвар Сафоевнинг "Кучук", Азиз Аҳмаджоновнинг "Ўн олтинчи уй" қисқа метражли филмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

"Олтин Гепард – 2013" халқаро кинофоруми доирасида, шунингдек, "Замонавий ўзбек киноси", "Франция филмлари", "Чехия эртаклари оламида", "Ҳиндистон киноси" дастурлари, "Томошабин билан ҳамнафас" мавзуида нодавлат студияларда суратга олинган филмлар миллий фестивали ўтказилиши режалаштирилган. Ҳужжатли кино усталари ижодига бағишланган "Ҳақиқат сарҳадлари" лойиҳаси мухлислар учун ўзига хос янгилик бўлиши шубҳасиз. "Глобал оламда миллий кино" мавзуидаги халқаро анжуманда эса жаҳон кино оламидаги ижодий жараёнлар, бугунги шиддатли даврда юртимиз кинематографчиларининг вазифалари ҳақида атрофлича сўз юритилади. Кинофорум тадбирлари Алишер Навоий номидаги кино саройи, "Premier Hall" кинотеатри, "City Makon" маданий-маърифий кўнгилочар марказида бўлиб ўтади. Айни пайтда кинофорумга тақдим этилган филмлар Самарқанд шаҳрида ҳам намойиш этилиши кўзда тутилган.

**Ўз ахборотимиз.**

# "ДАВР САДОЛАРИ" ЧОРЛАЙДИ

**Тадбир**

Бугун Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида "Давр садолари" III мусиқа фестивали очилади. Ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган бу фестивал, шубҳасиз, республикамиз мусиқа ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур тадбир, аввало, санъат ихлосмандларини, кенг жамоатчиликни Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари билан таништиришга хизмат қилади. Қолаверса, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг симфоник ҳамда камер асарларни тушунишларига, композиторлик ижодиёти билан яқиндан мулоқотда бўлишларига ёрдам беради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ва консерватория ҳамкорлигида ўтказилаётган навбатдаги фестивал юртимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланади. Тадбирнинг очилиш куни Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри (бадиий раҳбар — Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов) иштирокида симфоник концерт тақдим этилади. Шундан сўнг икки ой давомида консерватория залларида композиторларнинг фортепиано учун, камер чолғу, ёш бастакорлар асарларидан иборат концертлари тингловчилар эътиборига ҳавола этилади, Назира Аҳмедова, Ғанижон Тошматов, Муҳаммаджон Мирзаев каби санъаткорлар хотирасига бағишланган кечалар бўлиб ўтади.

Концертларда Владимир Неймер раҳбарлигидаги консерватория талабалари симфоник оркестри, Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги ёшлар мусиқали театр-студиясининг симфоник оркестри, Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестри (бадиий раҳбар Дилшод Муталов), Ғ.Тошматов номидаги дуторчилар ансамбли (раҳбар Рўзибиби Хўжаева) иштирок этади. Айниқса, ёш бастакорлар асарларидан иборат концерт ҳамда "Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри (бадиий раҳбар Феруза Абдураҳимова) концертлари тингловчиларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА**

# ТАЛАБА КУНДАЛИГИДАН

## Қулоққа чалинган гаплар

* * *

Сессия вақтида домланинг йўлини кесиб ўтиш кўнгилсизликдан дарак. Аксинча, йўл бермоқ омад белгиси.

* * *

Соат тақиб юрадиган талабаларнинг ҳаммасини вақтнинг қадрига етади, деб ўйламанг. Улар орасида танаффусни кутадиганлари анчагина.

* * *

Домлалар кутилган совғани ёқтиришади, талабалар эса кутилмаганини.

* * *

Талаба билан домланинг орасидаги асосий фарқ шундаки, бири қўлини кўксига қўйиб гапиради, иккинчиси чўнтакка солиб.

* * *

Домладан яна бир бор имкон сўрашнинг ўзи — энг сўнгги имкониятни йўққа чиқариш.

* * *

Аудиторияга кирганда олд қаторга ўтиришга шошилманг, чунки энг ажойиб ғоялар орқа парталарда туғилади.

* * *

Талаба учун уйқунинг тури кўп: тунги уйқу, трамвайдаги уйқу, йиғинлардаги уйқу ва ниҳоят лекциядаги уйқу.

* * *

"Нобел" ни оламан деганлар эмас, Нобелдек бўламан деганлар ютади.

**Махсума ОҚҚЎЗИЕВА**

«ЎзАС» галереяси



Ю.Зорькин. «Манзара».

# ИНТЕРНЕТ КАФЕДАГИ "ЧОЙХЎРЛИК"

## Ҳажвия

Бобо арзимаган гап учун чойхонадагилар билан жиқиллашдию гузарга чиқмай қўйди. Мана, энди уйда пашша қўриб, нима қиларини билмай ўтирибди. Кампири қурмағур ҳам пилдираб ҳали у ишга ундайди, ҳали бунисига. Бундай ўтириб: "Ҳолинг нима?" демайди.

— Уф, — чуқур хўрсинди бобо. — Бу дейман, ўзимга бир эрмак топмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Шу пайт дарвоза тарақлаб очилдию набираси Собиржон кириб келди.

— Ҳой бола, қаерларда санғиб юрибсан?

— Интернет кафеда, — қисқа қилди набира.

— Ёш бошинг билан кафе-сафеда бало борми? Бугун кафеда, эрта чойхонада ўтирасан. Ундан кейин-чи?



— Уфф, бобо, интернет кафеда ебичишмайди. У ерда танишишади, дўст орттиришади, учрашишади, ундан кейин...

— Хўш, нима ундан кейин?

— Ундан кейин бир-бирингизга ёқсангиз дўст бўласиз. У ерда мен тугул бешикдаги боладан тортиб, сиздан ҳам ёши катта бобойлар бор. Э, сиз барибир тушунмайсиз-да.

Гапнинг айнан шу жойи, бобонинг ҳамиятига тегиб кетди. Бу тушмагур нима дейди? Тушунмайсиз эмиш! Ақлзаковат, уддабуронликда унча-бунчасини ортда қолдиради, керак бўлса! Иннан кейин танишиш, дўст орттириш дейдими? Бобо миясига келган фикрдан ўзича қувониб, ҳийла вақт ичида режани пишитиб қўйди. Шоша-пиша қорнини тўйғазиб, кетишга ошиқаётган набирасини зимдан кузатди. Ҳозир у ҳар доимгидек ювошланиб, бобосининг пинжига суқилади-да, суйкаланишни бошлайди.

— Бобо, жо-о-о-н бобо. Шу... дадам берган пулга китоб олиб қўювдим. Шунинг учун интернетга пулим қолмади. Озгина қарз бериб туролмайсизми?

Бобо мийиғида кулди.

— Хўп бўлади-да, тойчоғим! Пул сиздан айлансин. Фақат ўша "Тирнет кафе"га бирга борсак бўлмайдими, ўзимизга мос дўст топармидик?..

Собиржон ҳайрон қолди. Бир ками энди бобоси билан қўлтиқлашиб интернетга боргани қолувди! Ўртоқлари устидан кулмайдими? Лекин пули ҳам йўқда! Майли, борса бораверсинлар, барибир компютерни тушунмайдилар-ку!

Шундай қилиб бобо ва набира узун-қисқа бўлиб интернет кафега кириб келишди. Атрофдаги ёш-яланг бир қур бобога ҳайрон тикилишдию яна ўз ишларига машғул бўлишди.

— Бобо, мана бу — компютер. Ҳозир "Одно"га кирамиз. Ўша ерда дўст дегани тиқилиб ётибди, — дея доно набира ўзича тушунтира кетди.

Ҳартугул бизнинг бобо унча-бунчалардан эмаслигини исботлади. Тезда бу матоҳга қўли келишди-қолди.

— Бобо, шу, ёшингизни сал камайтириб ёзсак, ундан кейин суратингиз ўрнига чиройли, сиз тенги актёрлардан бирининг расмини қўйсак, исмингизни ҳам алмаштирсак, нима дейсиз?

— Сен боланинг миянг жойидами? Бу нимаси яна? Ёшимга нима қипти!? Шунча йил кўтариб юрган исмимдан воз кечаманми? Бўлмайди!

— Ўзингиз биласиз, — деди доно набира.

Бобо бу деди, набира у деди, оқибатда барчаси набира айтгандай бўлди.

Энди ҳар тонг бобо янги ошёни томон умид билан ошиқади. Зора, биронтаси дўст бўлиш илинжида ўтирган бўлса. Бу "тирнет" деганлари ёмон бало экан-да. Бор хаёлингни ўғирлаб, тинчингни олар экан.

Кампир ҳам чолидаги ўзгаришни сезди чоғи, кийинаётган чолига қараб сўз қотди:

— Қаёққа? Бу дейман гиналар унутилиб, яна чойхўрликми?

— Ҳа, чойхўрлик! Фақат чойхонада эмас, кафеда!

Кампир шубҳаланди. Бу ерда бир гап бор-ов!

Бироқ бобомизнинг нияти ўнг эмас эканми; икки ҳафта ўтса ҳамки, танишишни истаган дўстдан дарак бўлмади. Лекин бобо деганлари осон енгиладиганлардан эмас. Кутди. Ва ниҳоят дўст эмас, кўҳликкина дугона учраб қолди. Суратдаги ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги жувонни кўриб бобо ҳам тезгина дўстлашишга рози бўлди. Жувон ҳам ўзига ўхшаган очиққина экан, гурунглар ҳам тезда қизиб қолди.

Бобонинг энди кайфияти кўтаринки, чеҳраси очиқ. Ҳар куни кафе томон шошади. Бироқ кутилмаганда қовун туширди.

Тонгда бўғилиб кўзини очган отахоннинг иссиғи баланд. Кўнглига ҳеч нима сиғмасди. Қайтиб кириб яна ўрнига чўзилди. Кўзи илинган эканми, дарвозанинг тарақлаб очилганидан чўчиб уйғонди. Набираси келди!

— Ҳай, Собиржон, болам қаерларда юрибсан-а? Сени кутавериб кўзим тўрт бўлди. Бўлақол, кечикмайлик.

— Ия! Бу шум кампир қаёққа шошяпти? — бобо ҳайрон бўлиб, ўрнидан қўзғалиб деразадан мўралади.

Буви билан набира кўчага чиқиб кетишди. Чол уларнинг ортидан тушди. Бир пайт улар пештоқига "Internet club" деб ёзиб қўйилган жойга кириб кетса денг!

— Ия, Худонинг балоси бу ерда нима қиляпти?

Бирдан хаёлига келган ўйдан қўрқиб кетган бобо жазавага туша бошлади: "Ҳали сенми, ёш чоллар билан дўстлашадиган?"

Ҳаммасини зумраша набираси бошлаган. Ким кўпроқ пул берган бўлса, бола нарса алданиб кетаверган-да. Ҳали ҳаммасига кўрсатиб қўяди.

Ярим соатга яқин вақт ўтар-ўтмас, кампир билан набира олдинма-кетин қайтиб чиқишди. Тўсатдан момоқалдироқдек гулдураган овоздан чўчиб кетишди. Ана энди кўринг томошани. Бобо набиранинг қулоғини чунонам бураган эди, болапақир бор гапни рўйирост айтиб берди. Ёшлигидаям "шипиён" бўлган бу кампир, бобонинг ўзгарганини сезиб, набирани қўлга олибди. Ҳар куни мўмайгина пул ишлайдиган "мазахўрак"ча олдин бобони, кейин бувини интернет кафега элтиб қўяр экан. Бечора бобомиз эса лаққа тушиб, ўзининг кампири билан дийдиёлашиб ўтираверар экан.

Айбдорларни сўка-сўка уйга қайтар экан, йўл ўртасида тўхтаб қолди. "Чойхонага борсамми ё..." Эсига тушди "тирнет"даги дўсти билан охирги марта гаплашганда у пайшанбада ош қиламан, деганмиди? Ҳа, ўшаёққа боради. Бобо уйи томон қадамни тезлатаркан, кўнгли бир нарсадан шод эди: "Ҳартугул бегона чол билан эмас, кампирим ўзим билан дўстлашибди-ку!"

**Вазира ИБРОҲИМОВА**

## Соғлиғинг — бойлигинг

# АЛКОГОЛ ВА КЎКРАК САРАТОНИ

Олимлар фикрича, биринчи бор ҳомиладор бўлгунга қадар ичкилик истеъмол қилган аёлларда саратон ўсмасига дучор бўлиш хавфи ошар экан. Бу ҳолни улар фарзанд кўрмаган аёллар кўкраги ўта сезгирлиги ва ўсмага чалинишга мойиллиги билан изоҳлашади. Ҳар куни алкоголли ичимлик истеъмол қиладиган аёлларда кўкрак саратонига чалиниш хавфи 13 фоизга ошаркан. Вашингтон университети Тиббиёт мактаби мутахассислари берган маълумотларда бир шиша пиво, бир бокал мусаллас ва ҳатто бир қадаҳ ликёр ҳам ўсма пайдо бўлиш хавфини 15 фоизга ошириши қайд этилган.

Аёлларда саратонга чалинишнинг 50 фоизи 40 ва 60 ёш ўртасида кузатилади. Кўкракнинг жисмоний жароҳатланиши, жигар, қалқонсимон без, тухумдонлар функциясининг бузилиши ҳам саратонни келтириб чиқариши мумкин. Қуёш нурида ортиқча тобланиш ҳам мелатонин, сўнгра эстрогенлар ва пролактин ҳосил бўлишини кучайтириб, ушбу хасталикка дучор этаркан.

### Кўк чой ақлни пешлайди

Голландиялик олимлар эркакларни пиво ичишни ташлаб кўк чойга ўтишга даъват этишмоқда. Кўк чой таркибидаги асосий унсурлар — L-тианин аминокислотаси ва кофеиннинг таъсирини ўрганишга бағишланган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, тажриба олдидан бир пиёла кўк чой ичилганда тестларни бажаришда аниқлик ошган, чарчоқ бартараф бўлган, айни чоғда, ақлий иш қобилияти ҳам кўтарилган.

Кўк чойнинг юрак-қон томир хасталиклари, саратон ҳамда паркинсон, инсульт, қандли диабет касалликлари пайдо бўлиши хавфини камайтиришга доир фазилатлари олимларга кўпдан бери маълум. Кўк чойни 10 йилдан кам бўлмаган муддатда хуш кўриб ичувчиларнинг суяклари зичлиги ҳам ошади. Бир пиёла қора чой ҳам диққатни бир жойга тўплашга ёрдам беради.

### Балиқ мойининг шифоси

Илмий тадқиқотлар балиқ мойи болаларнинг ўсиши ва ақлий қобилияти шаклланиши, шунингдек, катталарнинг саломатлиги учун ҳам бирдай зарур неъмат эканини тасдиқлади. Балиқ мойи иммунитетни оширгани боис болалар дастурхонида балиқ маҳсулоти кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Катталарда юз берадиган кўпгина хасталикларнинг олдини олишда ҳам бу неъмат бетакрордир.

Балиқ мойи асосан совуқ сувларни макон тутган треска, скумбрия, сельд ва бошқа денгиз балиқларининг жигаридан олинади. Унинг таркибида омега-3 тўйинган ёғ кислотаси, А ва D дармондорилари мавжуд. Булар бизнинг организмимиз учун ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган зарур моддалардир. А дармондориси модда алмашув жараёнларини меъёрга солади, иммун тизимини мустаҳкамлайди, тери ва шиллиқ пардалар соғломлигини таъминлайди, эркин радикаллар ва саратон хасталикларидан организмни ҳимоялайди. D дармондориси суяклар мустаҳкамлиги учун зарур. У рахит ва остеопороздан сақлайди. Омега-3 тўйинган ёғ кислотаси эса, томирларни кенгайтиради, қон томирларида тиқилмалар ҳосил бўлиш хавфини камайтиради, яллиғланишга қарши таъсирга эга.

Балиқ мойини тиббиёт амалиётига норвегиялик табиб П.Меллер жорий этган. Норвегияликлар ёғли балиқни кўп миқдорда истеъмол қилиши сабабли унинг фойдали эканини кўп асрлар давомида ҳаёт тажрибасидан ўтказишган. Шу тариқа "норвежлар тажрибаси" бутун жаҳонга ёйилган.

Мутахассислар ҳафтасига икки марта ёғли балиқ истеъмол қилишни тавсия этадилар. Афиналик олимлар 18 дан 90 ёшгача бўлган эркак ва аёлларни узоқ вақт тажрибага жалб этиб, шундай хулосага келишди: юрак-қон томир хасталикларидан муҳофазаланиш имконияти бевосита ёғли балиқларни етарли миқдорда истеъмол қилиш билан боғлиқ экан. Агар мунтазам истеъмол қилиб борилса, балиқ мойи юракнинг бирдан тўхтаб қолиши, шунингдек, аритмия ва ревматоид артрити, хасталикларининг олдини олади. Айни чоғда, қондаги холестерин миқдорини, кўкрак саратони ва артрит ҳосил бўлиш хавфини камайтиради; меъда-ичак йўли ишини меъёрга солади; вазнни ва алкогол зарарини камайтиради; организмда серотонин — "бахт гормони" миқдорини оширади.

### Микротўлқинли печ ва "ўлик" таом

Лозанна университети олимлари яна микротўлқинли печлар муаммосини кўтариб чиқишди. Уларнинг навбатдаги кашфиёти кучли нурланишга эга электромагнит майдонидан фойдаланиб таом тайёрлаш усулидан буткул воз кечишга туртки бўлиши мумкин.

— Микротўлқинли печ ичидаги магнетрон ҳосил қиладиган электромагнит майдони туфайли таомлардаги молекулалар тез ҳаракатланиб, бир-бирига урилиб кучли иссиқлик чиқаради, — дейди профессор У.Хертел. — Таомнинг тез исиши шу жараён туфайли юз беради. Маҳсулотдаги молекулаларнинг бир-бирига ишқаланиши туфайли дармондори ва антиоксидантларнинг деярли ҳаммаси емирилади. Масалан, броколли карамни шу хил печда пишириш унинг таркибидаги саратонга қирон солувчи моддаларнинг 98 фоизи йўқолишига олиб келади.

Олимлар бундай усулда таом тайёрлашни маҳсулот ичидаги "атом жанги"га ўхшатмоқда. Оқибатда биз таомлик хусусиятини йўқотган "ўлик" овқатни истеъмол қиламиз. Бундай таомларни мунтазам истеъмол қилиш қон-томир ва юрак хасталикларига сабаб бўлиши, шунингдек, бош мия ишида модда алмашув жараёнини сусайтириши мумкин.

Хўш, шундай экан, саломатлик учун зарарли қурилмани ким яратган, деган савол туғилади. Маълум бўлишича, микротўлқинли печлар немис нацистлари томонидан ҳарбий ҳаракатлар чоғида фойдаланиш учун яратилган экан. Улар Иккинчи жаҳон урушида таом тайёрлаш учун кетадиган вақтни тежаш мақсадида шу қурилмадан фойдаланишган. Урушдан сўнг иттифоқчилар микротўлқинли печ устида олиб борилган тиббий тадқиқотларни қўлга киритишади. Бу ҳужжатлар ва унинг бир қанча моделлари тадқиқ этиш учун Америка Қўшма Штатларига олиб кетилган. Руслар ҳам микротўлқинли печларнинг бир қанча нусхаларини олишиб, уларнинг биологик таъсирини синчиклаб ўрганишади. Оқибатда собиқ СССРда улардан фойдаланиш қатъиян таъқиқланади. Шунингдек, бу тарзда ҳосил қилинадиган микротўлқинларнинг саломатликка кўрсатадиган биологик ва экологик зарари хусусида халқаро жамоатчиликни огоҳлантирувчи мақолалар эълон қилинади. Шарқий европалик бошқа олимлар ҳам СВЧ — нурланишнинг зарарли таъсирини аниқлаб, улардан фойдаланиш бўйича қатъий экологик чекловлар белгилашади.

***Интернет хабарларидан.***

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти қуйидаги кафедраларнинг вакант лавозимлари учун танлов эълон қилади!

**Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси бўйича:**
Кафедра мудири — 1-ўрин (фан номзоди).
**Саҳна нутқи кафедраси бўйича:**
Профессор — 1 ўрин.
**Режиссура ва актёрлик маҳорати кафедраси бўйича:**
Доцент 1 ўрин.
**Вокал кафедраси бўйича:**
Катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Қўғирчоқ санъати кафедраси бўйича:**
Ўқитувчи — 1 ўрин.

**Танловда қатнашиш истагини билдирган шахслар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида институт раҳбариятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
—институт ректори (Кенгаш раиси) номига ариза;
—шахсий варақа (таржимаи ҳоли билан);
—талабгорнинг объектив-маълумотномаси;
—дипломларнинг нусхалари;
—илмий, илмий-ижодий ва ўқув-услубий ишлари рўйхати;
—тавсифнома;
—кафедра қароридан кўчирма;
—4 дона сурат (3х4);
—паспорт нусхаси;
—малака оширганлиги ҳақидаги гувоҳномалар.

***Изоҳ: институт кафедраларида фаолият олиб бораётган талабгорлар очиқ дарс ўтишлари, ташқаридан ариза берган шахслар синов дарсини ўтказишлари лозим (дарс баённомаси ва тақризлари илова қилиниши керак).***

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@mcs.uz
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86*
*Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42*
*Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4334 Буюртма Г — 1044. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X